



ФРАНЦИЯ БИЛАН ҲАР ТОМОНЛАМА ШЕРИКЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ МУҲИМЛИГИ ТАЪКИДЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 3 апрель куни Франция Президентининг маслаҳатчиси Изабель Дюмонни қабул қилди. Учрашувда олий даражадаги келишувларни амалга ошириш масалалари ва икки мамлакатнинг ҳар томонлама шериклигини кенгайтириш истиқболлари кўриб чиқилди.



Юқори мартабали меҳмон давлатимиз раҳбарига Франция Президенти Эммануэль Макроннинг самимий салом ва шахсий мактубини етказди.

Учрашувда фаол сиёсий мулоқотларни давом эттириш, ўзаро савдо ҳажмини ошириш, Франциянинг етакчи компания ва банклари билан “яшил” энергетика, қазиб чиқариш,

қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, сув таъминоти тизимини, транспорт ва туризм инфратузилмасини модернизация қилиш каби йўналишларда биргаликдаги йирик лойиҳаларни

илгари суриш муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

Париж шаҳридаги Лувр музейи ва Араб дунёси институтидаги маданий тадбир ва кўргазмалар муваффақиятли

ўтгани юксак баҳоланди. Ўзбекистон мактабларида француз тилини ўрганишни кенгайтириш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Марказий Осиёда минтақавий

ҳамкорликнинг долзарб жиҳатлари юзасидан фикр алмашилди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.

ИССИҚЛИК ТАЪМИНОТИ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 3 апрель куни ижтимоий соҳа объектларининг иситиш тизимларини модернизация қилиш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан йиғилиш ўтказди.

Бугунги кунда 15 мингта ижтимоий соҳа объектида иситиш тизимлари таъмирталаб. Оқибатда уларда иссиқлик энергиясининг 35 фоизи йўқотилмоқда, иссиқлик ҳарорати меъёрга нисбатан 2 баравар паст.

Шу боис, Бўстон туманида иситиш тизимини хусусий шериклик асосида янгилаш ва бошқариш бўйича тажриба ўтказилган эди. Иситиш қозонлари замонавийларига алмаштирилган ҳамда тармоқлар модернизация қилиниб, хусусий бошқарувга берилган. Натижада энергия сарфи камайиб, бинолар ичидаги ҳарорат кўтарилган. Айниқса, ўтган қишдаги аномал совуқ даврида ҳам объектларда муътадил ҳарорат сақлаб турилган.

Йиғилишда ушбу тажрибани оммалаштириш бўйича таклифлар муҳокама қилинди. Унга кўра, иситиш тизимларини модернизация қилиш бўйича тадбиркорларга 10 йилга бошқарувга берилди ва уларнинг хизматлари давлат томонидан сотиб олинди. Тармоқлар модернизацияси учун зарур маблағнинг ярми бюджетдан, ярми хусусий шерик ҳисобидан ажратилади. Иситиш қозонларини ишлаб чиқаришга керакли бутловчи қисмлар икки йил муддатга божхона божидан озод қилинади.

Давлатимиз раҳбари бу таклифларни маъқуллаб, ташкилий ва молиявий масалалар бўйича кўрсатмалар берди.

Мутасаддиларга туман ва шаҳарлардаги ижтимоий объектларнинг иситиш тизимларини хатловдан ўтказиб, босқичма-босқич янгилаш, уларни бошқаришга салоҳиятли тадбиркорларни жалб этиш топширилди. Биноларда энергия йўқотилишини камайтириш, иссиқликни сақлаш чораларини кўриш зарурлиги таъкидланди. Инвесторлар иштирокида энергия тежамкор иситиш қозонлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича топшириқ берилди.

Йиғилишда кўмир таъминоти масаласига ҳам тўхталиб ўтилди.

Сўнгги йилларда юртимизда кўмир қазиб чиқариш 3 миллион тоннадан 5,4 миллион тоннага ошган. Бу йил эса салкам 6 миллион тонна қазиб олиш режалаштирилган. Лекин кўмирга талаб бундан анча кўп.

Президентимиз истиқболли конларни ўзлаштиришга хусусий секторни ва янги технологияларни жалб қилиш, кўмирнинг сифатини ошириш бўйича кўрсатмалар берди.

ЎЗА



НУҚТАИ НАЗАР

ОҒИЗБИРЧИЛИК ФАЛСАФАСИ меҳр-оқибат ва бахтли кунларимиз моҳиятида акс этади

Шу кунларда қорақалпоғистонликларнинг қадди янада баланд, кайфияти чоғ, хурсандчилигининг чеки йўқ. Бунинг боиси бор, албатта. Президентимиз Шавкат Мирзиёев 30 март куни Қорақалпоғистонга ташриф буюриб, ҳудудимизнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланиши учун янги босқичга замин яратиб берди.

Янги босқичнинг саккиз муҳим жиҳати

Биринчидан, ташриф доирасида 6 янги корхона ишга туширилди. Мана шу корхоналарда 1000 дан зиёд доимий иш ўрни яратилиб, ишлаб чиқаришга 300 миллиард сўм, экспортга 20 миллион доллар қўшилади. Бу оддий рақамлар эмас, ҳар бирининг замирида инсонлар тақдири, оилалар фаровонлиги, жамият ривожини турибди.

Тасаввур қилинг, 1000 дан зиёд доимий иш ўрни, дейиларди. Бу шунча оиланинг тўқис ҳаёт кечирishiга асос, дегани эмасми?! Ҳар бир оиланинг ўртача тўрт-беш аъзоси бўлса, тўрт-



беш минг фуқаронинг ҳаёти фаровон кечаётганини англамайми?!?

Иккинчидан, маҳаллаларда муаммо қолмайди. Гап шундаки, давлатимиз раҳбари аҳоли фаровонлигини янада ошириш, халқимиз бугун ҳам ҳаётдан рози бўлиб яшаши учун

Қорақалпоғистондаги 452 маҳалланинг ҳар бирига тўғридан-тўғри 500 миллион сўмдан қўшимча маблағ ажратиш бўйича топшириқ берди.

▶ Давоми 3-бетда



БУГУННИНГ ГАПИ

Қайта тикланувчи энергетика:

ИҚТИСОДИЁТ БАРҚАРОРЛИГИ, ТАРАҚҚИЁТИМИЗ МЕЗОНИ

Бугунги техника тараққиёти даврида энергетик барқарорлик барча давлатлар учун аҳоли фаровонлиги, жамияти соҳа ва тармоқларни ҳаракатга келтирувчи куч, демакки, ривожланишнинг энг асосий шарт сифатида муҳим стратегик аҳамиятга эга. Ҳар қандай мамлакатнинг асосий ўсиш нуқталари қайси соҳа — ҳоҳ у саноат ёки қишлоқ хўжалиги, ҳоҳ туризм ёки бошқа йўналиш бўлмасин, албатта, энергетика барқарорлиги таъминланмасдан туриб тараққиётга эриша олмайди.

▶ Давоми 4-бетда



ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ

БОШ МАҚСАД – ОБОДЛИК ВА ФАРОВОНЛИК



Қорақалпоғистон мамлакатимизнинг шимолий дарвозаси ҳисобланади. Ўзига хос иқлим шароитига эга ушбу ҳудуднинг ёзи жазирама, қиши қаҳратон бўлади. Бугунги кунда бу ерда кечаётган изчил ислохотлар, қўрилаётган чора-тадбирлар аҳоли фаровонлигини янада оширишга, турмуш тарзини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

▶ Давоми 3-бетда

30 АПРЕЛЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИ КУНИ

ЖУРНАЛИСТИКАНИНГ ЭРКИН ФАОЛИЯТ ЮРИТИЛИШИГА КАФОЛАТ БЕРИЛМОҚДА

Юртимизда кечаётган фаол демократлашув жараёнида конституциявий ислохотларга алоҳида эътибор қаратилаётгани қувонарли ҳол. Янги тахрирдаги Конституциямизда халқимиз тақдирларига жиддий эътибор қаратилган. Муҳими, юртдошларимизнинг ўзи шу демократик йўлдан бориш тарафдори. Улар демократик давлатимизни тубдан ислоҳ қилиш бўйича фикрларини дадил билдирди.

Беруний АЛИМОВ,
философия фанлари
доктори

Амалдаги Конституцияда кўп масалалар, хусусан, ахборот олиш ва тарқатиш, ахборотдан фойдаланиш ёки журналистик фаолият билан боғлиқ айрим саволлар очик қолган. Яъни бу борада эркинлик кафолатланиши айтилганига қарамай, унинг ҳуқуқий асослари, кафолатлари очиб берилмаган. Шу боис, журналистлар ўз фаолиятида кўплаб тўсиқлар, қарама-қаршиликларга дуч келмоқда.

Қолаверса, ҳозирги ва бундан 30 йил олдинги оммавий ахборот воситалари фаолияти ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Ахборот технологияларининг кескин ривожланиши соҳада янги йўналишлар, ўзига хос ёндашувлар, челленжларни юзага келтирди. Шу билан бирга, олдимизга янги муаммоларни ҳам қўйдики, бу ўзгаришлар Конституциямизнинг янги тахририда ўз аксини топган.

Масалан, XV бодаги 81-моддада **оммавий ахборот воситалари эркинлиги ва қонунга мувофиқ иш олиб бориши** кафолатланмоқда. Мазкур модданинг мазмунига кўра, давлат **ОАВ фаолияти эркинлигини, уларнинг ахборотни излаш, олиш, ундан фойдаланиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқлари амалга оширилишини кафолатлайди.**

Медиададиқотчи сифатида эътиборимни тортгани, журналисти-

канинг эркин фаолият юритишига давлат кафолат бериши айтилган. Яъни кафолат берадиган инструмент сифатида давлат ўртага чиқади. Сиёсий маънода ёки образли қилиб айтадиган бўлсак, бунда давлатнинг ричаги жуда кучли ва у журналистикани қўллаб-қувватлайдиган бўлса, соҳамиз бундан ҳам ривожланишига шубҳа йўқ.

82-моддада эса “Цензурага йўл қўйилмайди. Оммавий ахборот воситаларининг фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки аралашш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади”, деб белгиланган.

Амалдаги Конституцияда ҳам цензурага йўл қўйилмаслиги бўйича модда бор. Аммо ҳар доим ҳам бунинг амалдаги исботини кўрмадик. Қонуний асослар, ҳуқуқий кафолатлар етишмаган ёки амал қилмаган жойда сўз қудратта эга бўлмайди. Шу жиҳатдан олиб қараганда, соҳа вакиллари учун сўзнинг қонуний асослари муҳимроқ. Янги тахрирдаги Конституцияда ана шу ҳолат билан боғлиқ вазиятларда жавобгарлиқнинг қатъий белгиланаётгани боиси ҳам шунда. Яъни цензурага йўл қўйилмаслиги талаби қонуний назоратга олинсагина, соҳа вакиллари чин маънода эмин-эркин ишлай олади.

Бугун ривожланган давлатлар фуқаролари телерадиоканаллар, интернет тармоғи ва бошқа манбалардан истаган ахборотни олиш ҳуқуқи ва имкониятига эга. Ҳатто оммавий ахборот воситалари орқали у ёки бу мамлакатда юритилаётган сиёсатга тўғридан-тўғри таъсир қилиш ҳолатларига ҳам гувоҳ бўляпмиз. Албатта, шундай пайтда у сиёсатнинг муҳим бир элементи сифатида намоён бўлади.

Даврон МУИТОВ,
сиёсий фанлар номзоди

Истиқболда ОАВ турли сиёсий мақсадларни илгари суришда узоқ вақт муҳим иштирокчи бўлиши кутилмоқда. Бу замонавий сиёсатшўнослиқда маърифатли жамиятга мос келувчи сиёсий маданиятнинг янги мезонларини ишлаб чиқиш вазифасини ҳам долзарблаштиради. Бундай ҳолатда оммавий ахборот воситалари, айниқса, телевиденининг сиёсий жараёнларга тўғридан-тўғри таъсир ўтказишини эътиборга олиш муҳим аҳамиятга эга.

Ахборотлашган жамиятда хавфсиз интернет муаммоси алоҳида тадқиқ этилиши керак. Зеро, интернет ахборий жамиятнинг энг замонавий шакли сифатида тан олинмоқда. Бир томондан, интернет замонавий демократлаштиришнинг инновацион омили бўлса, бошқа жиҳатдан, жамият у орқали ахборот олиш вақти тежалиши билан боғлиқ ўзгаришларни баҳонидил қабул қила бошлади. Айниқса, ахборий жамият қуриш бўйича давлат дастурларининг зудлик билан жорий этилиши ахборот олиш даражасини, унга бўлган муносабатни ўзгартирди. Чунки яқин ўтмишимизда аҳолига ахборот уза-тилиши фақат расмий ташкилотлар, ижтимоий-сиёсий институтлар, маҳаллий бошқарув органлари ва ҳукумат ташкиллаштириш, бошқариб келган.

Интернет эса мазкур аънанани ўзгартариб юборди. Бугун ҳар қандай инсон ахборотни яратиш-бошқариш

имкониятига эга. Интерфаол электрон медиада порталлар, сайтлар, блоглар ва ижтимоий тармоқлар фаолияти тезлашиб кетди. Айниқса, ёшларнинг ижтимоий тармоқларга қизиқиш даражаси кундан-кунга ошиб бормоқда.

Бу маконда ҳар ким исталган ахборотни тарқата олади ва бунга тўсқинлик қилишнинг имкони йўқ. Янги тахрирдаги Конституциямизда ҳам ахборот тарқатиш эркинлиги кафолатланган.

Хусусан, 33-моддада амалдаги ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги, исталган ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эгалиги нормасига қўшимча равишда **давлат интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланишни таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиши** белгиланмоқда. Демак, мақсад ахборот олиш эркинлигини чеклаш эмас, аксинча, унга шароитлар яратиш бериш, имкониятларни оширишдан иборат.

Умуман, янги тахрирдаги Конституциямизда ахборотга оид ўзгаришлар ва қўшимчалар моҳиятини тўлиқ англаш ахборий саводхонлигимизни ошириш ҳамда ундан ўринли фойдаланишга йўл очади. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, юртимиздаги ҳар бир ислохот, аввало, инсон ва унинг манфаатлари учундир.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯПОНИЯДАГИ ЭЛЧИХОНАСИДА КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОХОТЛАРГА БАҒИШЛАНГАН ДАВРА СУҲБАТИ БЎЛИБ ЎТДИ

Ўзбекистоннинг Япониядаги элчихонасида мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий тадбир — Бош қонунимиз ислохотига бағишланган давра суҳбати ташкил қилинди.

Тадбирда Япония Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи савдони ривожлантириш ташкилоти (JETRO), Марказий Осиё ва Кавказ тадқиқотлар институти, Халқаро муносабатлар институти (JIIA), университетлар профессорлари ва экспертлар қатнашди.

Давра суҳбатида сўнгги йилларда мамлакатимизда Янги Ўзбекистонни қуриш йўлида салмоқли ютуқларга эришилгани, Конституцияга ўзгаришлар киритиш бўйича бўлиб ўтадиган референдум мамлакатимизнинг замонавий тарихида муҳим сиёсий воқеа экани таъкидланди.

Шунингдек, иштирокчиларга Асосий қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида фуқароларнинг фаол иштирок этгани ва Бош қонунимиз мамлакат ҳаётининг барча жаҳдаларида кечаётган тўб ўзгаришларнинг узвий қисми бўлиб, уларнинг мустақкам ҳуқуқий асосини яратиши ҳамда жамиятдаги бугунги реал воқеликка ва шиддатли ислохотлар мантйига мослаштирилгани етказилди.

Янги тахрирдаги Конституция ижтимоий, демократик, ҳуқуқий ва чинакам халқпарвар давлатчилик асосларини яратиши, аҳоли фаровонлигини ошириши, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, кадр-қимматини янада юксалтириши ҳамда фуқаролар ҳаётининг барча соҳаларини либераллаштиришда муҳим омил бўлиши, шу ўринда Янги Ўзбекистон тарақиётида янги даврни бошлаб бериши алоҳида таъкидланди.

Япониялик экспертлар Конституциявий қонун лойиҳасидан ўрин олган ўзгаришларни қўқори баҳолади.

Pēta SAITO,
“The Sasakawa Peace Foundation”
жамғармасининг етакчи илмий ходими, сиёсий эксперт:

— Аввало, Конституцияга кирити-

лаётган ўзгаришларда ўлим жазосини бекор қилиш, шахсий дахлсизлик ҳуқуқи, мулоқот сирини сақлаш, Хитой ва Россия ўртасида жойлашган Марказий Осиёдаги давлат бўлса ҳам халқаро ҳамкорлиқни кенг қўламда диверсификация қилиш хоҳиши борлигини аниқлади.

Шу билан бирга, қонун лойиҳасида “халқаро ҳамжамиятга интеграция” ҳам назарда тутилган. Шунингдек, ўзгаришлар Ғарб жамиятидаги меъёрларга мос келади. Бу Ўзбекистон Хитой ва Россия ўртасида жойлашган Марказий Осиёдаги давлат бўлса ҳам халқаро ҳамкорлиқни кенг қўламда диверсификация қилиш хоҳиши борлигини аниқлади.

Мичихиро ТАЖИМА,
Халқаро муносабатлар институти илмий ходими:

— Конституциявий қонун лойиҳаси бўйича умумхалқ муҳокамаларида жами 220 мингдан ортиқ тақлиф келиб тушгани, лойиҳани тайёрлаш жараёнида 400 дан ортиқ халқаро ҳужжат ва 190 га яқин давлат конституциялари таҳлил этилгани халқнинг қўқори қизиқиши ва депутатлар томонидан жуда жиддий ва пухта ёндашилганидан далолат беради.

Янги тахрирдаги Конституция Янги Ўзбекистонни қуриш гоёси атрофида бутун жамиятни жиқслаштиришга кучли омил бўлишига ишонч билдираман.

“Дунё” АА
Токио

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

Бекзод ТОШПҮЛАТОВ,
Жиззах вилояти солиқ
бошқармаси бошлиғи

Бошқа соҳалар каби мамлакатимиз солиқ соҳасида ҳам адолатли, шаффоф ва тадбиркорларни рағбатлантирувчи тизим яратилди. Жумладан, солиқ органларини хизмат кўрсатиш йўналишига трансформация қилиш, соҳага рақамли технологияларни кенг жорий этиш натижасида инсон омилини чеклаб, коррупция ҳолатларига барҳам бериш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда. Бундай ислохотлар иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳар томонлама асосланган бўлиш билан бирга, солиқ тўловчилар учун ҳам қўлай ва манфаатлидир.

Энг муҳими, тадбиркорларнинг кенг ва тенг рақобат майдонида эркин фаолият юритиш имконияти яратилгани юртимиз иқтисодиётини ривожлантиришга асос бўляпти. Солиқ қонунинг камайиши эса солиқ тўловчилар сони ва бюджетга солиқ тушумларининг ошишига илҳомий таъсир кўрсатади.

Эндилликда тизим ходимлари аввалгидек фақат назоратчи эмас, балки тадбиркорнинг ҳамкори сифатида халққа янада яқин бўлиб бормоқда. “Солиқчи — тадбиркорга кўмакчи” тамойилига кўра, иш юритиш ходимларининг асосий вазифасига айланди.

Бугунги кундаги фаолиятимиз қанча солиқ қонунчилиги бузилгани, шунинг ҳисобига қўшимча қанча солиқ ҳисоблангани ва тадбиркор жазоланганига қараб эмас, аксинча солиқ қонунчилигининг бузилиши қанча камайгани ва тадбиркорларни ортиқча харажатлардан сақлаб қолишга ҳисса қўшганимизга қараб белгиланмоқда.

Шу мақсадда, давлат солиқ идоралари тизимида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш шўбалари ташкил этилди. Шўба ходимларининг асосий вазифалари янги иш бошлаган тадбиркорлик субъектларига солиқ режимини танлашда маслаҳат бериш, тадбиркорлар томонидан кўмак сўралганда дастлабки 6 ой бухгалтерия ишини юритишга, ҳисоботларини топширишга кўмаклашиш, солиқ имтиёзлари ва уларни қўллаш тартибини тушунтириш, муаммоларини ўрганиш ва ечим топиш бўйича амалий ёрдам беришдан иборат. Бу эса, айниқса, энди иш бошлаган тадбиркорлик субъектларига

ҳамда фаолиятини вақтинча тўхтатган корхоналарга кўмак кўрсатишда жуда самарали бўлмоқда.

Масалан, жорий йилнинг дастлабки ойларида “Солиқчи — кўмакчи” дастури орқали виллоятдаги 460 дан зиёд тадбиркорлик субъектида ўрганиш ўтказилиб, солиқ органларига алоқадор 330 та тадбиркорлик субъектига амалий ёрдам берилди, муаммолари ва камчиликлари бартараф этилди.

Ушбу дастур доирасида солиқ турлари бўйича 66 субъектнинг 6 миллиард 388 миллион сўм мавжуд ортиқча тўлов суммаси қайтариб берилди. Ортиқча тўланган солиқ суммаларини 493 та тадбиркорлик субъектининг солиқ қарздорлигига ўтказиш бўйича амалий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, ортиқча харажатлар ва қонун

бузилишларидан сақлаш мақсадида 388 тадбиркорга 776 та ҳисоботни тўндириш ва топширишга кўмаклашилди. Фаолият туридан келиб чиқиб, янги иш бошлаган 228 тадбиркорлик субъектига оптимал солиқ режимини танлашда амалий ёрдам берилди.

Жиззах шаҳридаги 2 та бозор ҳудудида тадбиркорлик субъектларига янада қўлай бўлиши учун очилган “Тадбиркорга кўмак маркази” шохобчалари орқали тадбиркорлик субъектларига 22 та хизмат тури бўйича бепул хизмат кўрсатилмоқда.

Жиззах вилояти солиқ бошқармаси мутахассислари ўз касбий вазифаларидан ташқари, ҳудудларни ривожлантириш, аҳоли муаммоларини ҳал этиш, камбағаллиқни қисқартириш бўйича ташкил этилган

“ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ДАСТЛАБКИ ОЙЛАРИДА “СОЛИҚЧИ – КЎМАКЧИ” ДАСТУРИ ОРҚАЛИ ВИЛЛОЯТДАГИ 460 ДАН ЗИЁД ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТИДА ЎРГАНИШ ЎТКАЗИЛИБ, СОЛИҚ ОРГАНЛАРИГА АЛОҚАДОР 330 ТА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТИГА АМАЛИЙ ЁРДАМ БЕРИЛДИ, МУАММОЛАРИ ВА КАМЧИЛИКЛАРИ БАРТАРАФ ЭТИЛДИ.



тажриба тўпланган. Ушбу тажрибалар самараси туфайли секторга қарашли аҳоли муаммоларини босқичма-босқич ҳал этиш чоралари қўриляпти. Чунончи, ўтган йили Арнасой туманида ўтказилган сайёр қабулда Бахтли маҳалласи фуқароларидан кўприкни таъмирлаш борасида мурожаат тушган эди. Ушбу мурожаатга асосан, ўтган йилнинг 1 декабрь кунги эски кўприкни таъмирлаш бошланди. Мустақамлик даражасини ошириш мақсадида бетон плиталар ётқизилиб, кўприк сув сатҳида баландалтилди. Пиёдаларга қўлай бўлиши учун эса йўлақлар ҳам тўлиқ бетонлаштирилди ва яқинда фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари, ушбу маҳалла аҳлининг мурожаати асосида аҳоли хонадонларидagi томоқлари суғориш учун Окўбулоқ каналидан қувур орқали сув чиқариш чоралари қўрилмоқда. Арнасой тумани “Бўстон” МФЙ Янги-замин кўчасида яшовчи фуқаролар электр энергияси қуввати пастлигидан шикоят қилган эди. Секторимиз кўмаги билан ушбу маҳаллага янги трансформатор ўрнатиб берилди.





Назира МАТЯҚУБОВА,
Қорақалпоғистон
Республикаси Жўқорғи
Кенгеси депутаты,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист

Бошланиши 1-бетда

Бунинг қанчалик муҳимлигини Президентимизнинг битта гапи билан изоҳлаш мумкин: “...Муаммони маҳалланинг ўзи кўтарсин, ўзига пул берайлик, ўзи назорат қилсин. Шунда сифат ва манфаат бўлади. Одамлар рози бўлади”.

Учинчидан, кадастри йўқ 38 минг уй-жой ва кўчмас мулк бўйича тегишли ҳужжатлар тайёрлаб берилади. Аҳоли талабини инобатга олиб, жорий йилда 4 минг уй-жой қурилади. Бу қорақалпоқ элига Президентимизнинг таширидан алоҳида тарихий эсдалик бўлиб қолиши шубҳасиз.

Ўттиз саккиз минг ва тўрт минг – қирқ икки минг. Демак, кадастри йўқ турар жой ва бошқа кўчмас мулкларга ҳужжат қилиниши ҳамда янги уйлар қурилиши шунча фуқаро ва уларнинг яқинлари ҳаётига хотиржамлик, янги орзу-умидлар бағишлайди.

Тўртинчидан, Қорақалпоғистон “ишсизликдан холи ҳудуд”га айланади. Шу мақсадда 193 минг иш ўрни яратиш бўйича топириқ берилди. Бу, демак, минглаб ёшларнинг мавҳум келажаги учун ёрқин йўл очилгани, жамиятда кўтаринки кайфият ҳукм суриб, ҳам-жихатлик муҳити шаклланишидан хайрли муъжадир.

Бешинчидан, озик-овқат маҳсулотлари сероблиги ва арзонлиги таъминланади. Бу, аввало, ана қўшимча

янги иш ўринлари яратилади, деганидир. Боиси, озик-овқат маҳсулотлари тўқинлигини таъминлаш мақсадида бу йил ҳам аҳолига 6 минг гектар ер майдони ажратилмоқда. Энди бу ерларда оддий одамлар меҳнат қилиб, ҳам бозорлардаги мўл-кўлчилик, арзончилиكنи таъминлайди, ҳам рўзгорини тебратди.

Олтинчидан, мактаб таълими, тиббий хизмат қамрови ва сифати яхшиланади, ижтимоий инфратузилмадаги муаммолар ечимини топади. Замонавий дунёда таълимсиз мақсадга эришиб бўлмайди, бунинг учун, аввало, соғлиқ керак.

Шу маънода, Президентимизнинг Қорақалпоғистондаги мактаблар муаммоларини ҳал қилиш, ўқитувчи ва ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш, тиббий хизматни аҳолига яқинлаштириш мақсадини халқимиз ҳамиша миннатдорлик билан олқишлаб келади.

Бу сафар ҳам шу каби муаммоларни ҳал қилиш бўйича аниқ топириқлар берилди. Унга кўра, тез кунларда 9 туманда янги мактабгача таълим ташкилотлари қурилиши, мактаб ва шифохоналар, йўллар таъмирланиши, электр энергияси тақчиллигига барҳам бериш чоралари кўрилади.

Еттинчидан, миллийлараро толуғлик ва оғизбирчилик янада мустақамланади. Маданият ва санъат соҳаси ривожланади. Ҳаёт яхши маромида кетаётган, дастурхонда камчилик йўқ жойда тотувлик бўлади. Унинг акси бўлса меҳрсизлик, оқибатсизлик, тарқоқлик руҳи кузатилади. Ҳар икки ҳолатда ҳам қаноатда гап қўп.

Қаноат тарбияси маънавий қамолот билан уйғун етилади. Адабиёт, санъат, халқ достонларида тараннум этилган аҳиллик, ҳамжиҳатлик, шукроналик ва кенг феъллилик фалсафаси ана шу мақсадга хизмат қилади.

Шу маънода, Президентимизнинг қорақалпоғистонлик иқдоркорлар, маданият соҳаси вакиллари билан мулоқоти икки тилли бир халқимизнинг бирдамлиги, жиғислигини янада жуштириб юборди.

Саккинчидан, қорақалпоқ ёшлари ташаббуслари кенга қўллаб-қувватланади. Ҳеч иккиланмай айтиш мумкин, қорақалпоқ ёшлари ҳамиша Президент эътибори ва ғамхўрлиги остида. Бу борада бизнинг фарзандларимизга ҳамма ҳавас қилса арзийди.

Давлатимиз раҳбари кечаги ташири чоғида ҳам анъанага кўра, Қорақал-



поғистон ёшлари ҳаёти билан қизиқди. Уларга янги иш ўринлари яратиш, ғоялари, тақлиф ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш бўйича алоҳида топириқлар берди. Демак, қорақалпоқ ёшларини яна янги умидбахш лойиҳалар рўёби кутмоқда.

Ҳаётдан рози бўлиб яшашнинг мустақам асоси

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Қорақалпоғистон Республикасига таширидан қўйлаётган элимиз тараққиётининг саккиз муҳим асосини санадик. Улар шунчаки тасодифий эмас эди. Стратегик аҳамиятда ташаббус ва топириқлар негизда халқимиз хоҳиш-иродаси ва янги миллий давлатчилигимиз тамойилларининг буюк қудрати турганини ҳис этиш қийин эмас.

Бу ўринда гап халқимиз хоҳиш-иродаси ва янги давлатчилик тамойиллари ҳақида борар экан, ўз-ўзидан конституциявий ислохотлар моҳияти билан юзма-юз келамиз.

Мақолаимиз биринчи қисмида Қорақалпоғистон Республикасининг иқтисодий-ижтимоий ривожланиши

асоси — “ишсизликдан холи ҳудуд” ҳақида айтдик. Янги тахрирдаги Конституциямизда ана шу механизмнинг мустақам ҳуқуқий асосини кўриш мумкин. Масалан, меҳнат ҳуқуқлари борасида нафақат ҳар кимнинг муносиб меҳнат қилиш, касб ва фаолият турини эркин танлаш ҳуқуқи, балки хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган қулай меҳнат шароитида ишлаш, меҳнати учун ҳеч қандай камситишларсиз ҳамда адолатли ҳақ олиш, ишсизликдан қонунда белгиланган тартибда химояланиш ҳуқуқи, шунингдек, меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам микдори инсоннинг муносиб турмуш даражасини таъминлаш зарура-ти ҳисобга олинган ҳолда белгиланиши мустақамланмоқда. Бу низоҳатда адолатли ва халқчил мезондир. Чунки инсон иш билан таъминлансаю, бироқ хавфсиз, қулай меҳнат шароитига эга бўлмаса, оладиган иш ҳақи ўзи ва оиласининг яшashi, эҳтиёжлари учун етмас, албатта, бу ҳолат унда нафақат ўз ҳаётдан, балки жамиятдан норозилик кайфиятини уйғотади.

Юқорида бу йил Қорақалпоғистонда 4 минг уй-жой қурилиши ҳақида айтиб ўтган эдик. Бу ҳам бежиз эмас, чунки унинг ҳуқуқий асоси янги

тахрирдаги Конституцияда ўз аксини топтоқда.

Шу ўринда айтиш жоизки, сайловчилар ҳам айнан уй-жой масаласида жуда кўп мурожаат қилади. Тўғри, мамлакатимизда кейинги йилларда ёш оилаларни, ижтимоий ёрдамга муҳтож инсонларни, хотин-қизларни уй билан таъминлаш борасида аниқ чора-тадбирлар белгиланиб, самарали натижаларга эришилмоқда. Утган йили мамлакатимизда 50 минг оила учун квартиралар олишга шароит яратиб берилгани бунинг мисолидир. Лекин мамлакатимизда аҳоли сони ўсиши баробарида оилалар сони ҳам ортиб бормоқда. Бу ўз-ўзидан уй-жойга бўлган эҳтиёжни оширади. Шу боис, бу йил юртимизда 90 минг оилани уй-жойли қилиш режалаштирилатган бўлса, яқин 2-3 йилда бу кўрсаткични 200 мингга етказиш мақсад қилинмоқда.

Шу жиҳатдан янгит тахрирдаги Конституцияда ҳар ким уй-жойли бўлиш ҳуқуқига эга бўлиши, давлат уй-жой қурилишини рағбатлантириб, уй-жойга бўлган ҳуқуқларга амалга оширилиши учун шарт-шароитлар яратиши, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжидан тоифаларини уй-жой билан

таъминлаш тартиби қонун билан белгиланиши назарда тутилатгани жуда қувонарлидир. Шунингдек, ҳеч ким суднинг қарорисиз ва қонунга зид тарзда уй-жойдан маҳрум этилиши мумкин эмаслиги, уй-жойдан маҳрум этилган мулкдорга уй-жойнинг қиймати ҳамда у қўрган зарарларнинг ўрни қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда олдиндан ҳамда тенг қийматда қопла-ниши таъминланиши бугунги кун учун низоҳатда долзарб масала.

Янги тахрирдаги Конституцияда “Давлат Оролбўйи минтақасининг экологик тизимини муҳофаза қилиш ҳамда тиклаш, минтақани ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш юзасидан чоралар кўради”, деб аниқ белгиланиши Қорақалпоғистон халқини рози қилиш учун кейинги йилларда амалга оширилган кенг қўламли ишларнинг янада юқори даражага кўтарилишига ҳуқуқий асос яратди.

2022-2023 ўқув йилида қорақалпоғистонлик 500 ийигит-қиз олий таълим муассасаларига қўшимча квота асосида ўқишга қабул қилингани, пенсия ва нафақа олувчилар, ногиронлиги бўлган фуқаролар учун темир йўл ва авиабилетлар сотиб олишда 50 фоизлик имтиёз жорий этилгани, тадбиркорлик субъектлари учун солиқ имтиёзлари берилгани, мактабларда бошланғич синф ўқувчилари бепул овқат билан таъминланаётгани каби кўпгина чора-тадбирлар одамларнинг миннатдорлигига сабаб бўлмоқда.

Шу жиҳатдан, янги тахрирдаги Конституциямизда алоҳида бобнинг оила, боғалар ва ёшлар масаласига бағишланиши ва унда давлат оиланинг тўлақонли ривожланиши учун ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа шарт-шароитлар яратиши белгиланаётгани оилапарвар ва болажон халқимизнинг айнаи кўнглидаги иш бўлди. Чунки ҳар бир фарзанд оилада қамол топади. Унинг мурғак болалиги, орзуларга бой ўсмирлиги, ҳаётга илк қадам қўядиган ёшлиги ўзи туғилиб ўсган оиласи бағрида ўтади. Шундай экан, оила ва унинг аъзолари манфаатлари ажралмас ва яхлитдир.

Умуман олганда, янги тахрирдаги Конституциямизда ўз ифодасини топган ижтимоий масалаларга оид ҳуқуқий асосларнинг ўзи инсоннинг қад толиб, ҳаётдан рози бўлиб яшашига хизмат қилади. Шу боис, уни бутун халқимиз қўллаб-қувватлаяпти.

ПРЕЗИДЕНТ ТАШИРИДАН СЎНГ

Бошланиши 1-бетда

Президентимиз бу галги ташири чоғида ҳам Қорақалпоғистонда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда амалга оширилган ва оширилаётган оламшумул янгиланишлар, ўзгаришлар билан яқиндан танишди. Республика фаоллари билан учрашиб,

уларнинг бугунги ислохотларга муносабати билан қизикди.

Таширидан сўнг қорақалпоғистонликларнинг фикр-мулоҳазаларини ёзиб олдик.

АЛТИН ЖАҒИС — НАМУНАЛИ МАҲАЛЛА

Нукус шаҳридаги Алтин жағис маҳалласида 4 миндан зиёд киши яшайди. Утган йили у “Обод маҳалла” дастурига кириштирилиб, кенга қўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бажарилди. Натижада йўл, электр энержияси, учимлик сув ҳамда газ тармоқлари янгиланди.

Нигаргул ГОБЕНОВА,
“Алтин жағис” маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

— 2021 йил февраль ойида ташкил топган маҳалламизда 1051 хонадон бор. Утган йили ҳудудимиздаги кўчаларга асфальт ётқизирилиб, пидеалар учун махсус йўлакчалар барпо этилди. Йўлларнинг икки четига дарахт экилди, ичимлик сув, газ, электр тармоқлари тортилди. Маҳалламизда 1 та мактаб, 1 та давлат боғалар боғчаси ва 4 та хусусий боғча, биттадан футбол майдончаси ҳамда спорт мажмуаси мавжуд. Шунингдек, ҳудудимизни кесиб ўтувчи Дўстлик канали бўйида ёшлар хивони, дам олиш маскани қурилди. Маҳалла маъмурий идораси фойдаланишга топирилди. Тадбиркорликка қўмақлаштиш маркази ва яшил бозор савдо маркази аҳолига хизмат кўрсатишни бошлади. Бундай яхлит мажмуалар одамларимизга катта қўлайлик яратмоқда. Уларнинг хизматидан аҳоли хурсанд.



Давлатимиз раҳбари маҳалламизга ташири буюриб, ўзгаришларни кўздан кечирди, аҳоли билан суҳбатлашди. Қўянашбай Сейтазаров хонадонидан меҳмон бўлди. Дошқонзадаги сумалакни биргаликда очди. Бирга ифторлик қилди.

Президентимизнинг оддий инсонлар уйига ташири буюриши, халқ дарди ва муаммосини ичига кириб ўрганиши, унга ечим топишни кўриб ҳайратга тушдим. Бу ҳар биримиз учун намуна, деб ўйлайман. Таширидан сўнг аҳолининг ижтимоий-иқтисодий масалаларини ҳал этишда давлатимиз раҳбарига елкадош бўлишни, янада кўпроқ ишлашни олдимга мақсад қилиб қўйдим.

ТЕХНОПАРК — ЁШЛАРНИНГ ИНТИЛИШ ВА ҒОЯЛАРИ КЎМАКЧИСИ

Нукус шаҳридаги Ёшлар технопаркини ташкил этишдан мақсад ёш йиғит-қизларнинг кўникмаларини шакллантириш ва янги иш ўринлари яратиш эди. Технопаркда компьютер савоҳдонлиги, графика дизайн, робототехника, 3D моделлаштириш, акселерация каби 9 йўналишда йилга 1 минг 500 ёш тахсил олмақда.

Ҳозирги кунда ўқув курслари битирувчиларининг ғоялари стартап шаклига келтирилиб, “Бўлажак олим”, “Technoways”, “Start4 Region” каби танловларга 50 га яқин лойиҳа топирилган. Шунингдек, “Орол денгизининг қурғоқчил ҳудудида уруғчилик плантациясини ташкил этиш” маъзулида умумий қиймати 955 миллион сўмлик лойиҳа амалга оширилмоқда. Бу денгизнинг қуришган тубидаги ерлардан фойдаланиш, сувни тежаш, тузни қамайтиришга хизмат қилади.



Севара РУСТАМОВА,
Қорақалпоқ табиий фанлар
илмий-тадқиқот институти док-
торанти:

— Ҳозирги кунда оқова сувни тозалаш ва қайта ишлаш долзарб масала. Ушбу муаммога ечим топиш мақсадида илмий тадқиқот қилинган. Хусусан, сувда ўсадиган, кўзга кўринмай-

диган микроскопик ўсимликлар ёрдамида сувни тозалаш мумкин. Лойиҳа доирасида оқова сув ҳавзалари сувини тозалаб, қайта ишлатишни ва бу ерда чорвачилик, балиқчилик хужалиқлари учун ем-хашак тайёрлашни йўлга қўйишни режалаштирганман. Илмий тадқиқотим қўламини кенгайтиришга қаратилган инновацион лойиҳамни Президентимиз қўллаб-қувватлади.

Ғояларимизни амалга ошириш учун давлатимиз томонидан етарли қўламли фойдаланишнинг йўли ёш олимларга бўлган юксак эътибор, деб биламан. Биз, ёшлар бу имтиёз ва имкониятлардан тўғри, самарали фойдаланишимиз зарур. Президентимиз суҳбат чоғида лойиҳаларимни молиявий қўллаб-қувватлаб, амалиётга кенгроқ жорий этишда ёрдам кўрсатишни айтиди. Албатта, мен бундан жуда катта мотивация олдим. Илмий ишларимни давом эттиришга астойдил бел боғладим.

КОРХОНАМИЗДА 500 КИШИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНГАН

Президентимизнинг Қорақалпоғистонга ташири давомида 6 та янги корхона ишга туширилди. Улар орасида Беруний туманидаги “Беруний бугдой кластер” ва “Райҳон аппарат” масъулияти чекланган жамиятлари ҳам бор эди.

Шерзод СОДИҚОВ,
“Райҳон аппарат” МЧЖ раҳбари:
— Лойиҳа қиймати 28,5 миллиард сўмни ташкил қиладиган “Райҳон аппарат” корхонасини ишга тушириб олдик.



Йилига 15 турдаги 5 миллион дона тайёр трикотаж кийим-кечак ишлаб чиқарамиз. Экспорт ҳажми 8-10 миллион доллар атрофида. Корхонамизда 500 киши иш билан таъминланган. Иш ўринларини яна 200 тага кўпайтиришни мақсад қилганмиз. Корхонада 2024 йилда трикотаж матони тўқиш ва бўяшни ташкил қилиш лойиҳасини ишга тушириш ва 2000 тонна трикотаж мато ишлаб чиқариб, қўшимча 3 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилишни режалаштирдик.

Президентимиз ташири давомида Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат академик музыка театрида ҳам бўлиб, маданият ҳамда санъат соҳаси вакиллари билан учрашиб, уларнинг тақлиф ва фикрларини эшитди.

ТАКЛИФ ҚЎЛЛАБ- ҚУВВАТЛАНДИ

Айжамал
ТОРЕМУРАТОВА,
Зулфия номидаги
Давлат мукофоти соҳи-
би, бастакор:

— Президентимиз билан учрашув чоғида айтилган гап — санъат ва маданият жамғармаси айнан Қорақалпоғистонда ташкил этилиши катта воқеа бўлди. Бу жамғармага 20 миллион сўм ажратилмоқда. Жамғарма ишга тушган, театрларда давлат буюртмаси асосида саҳна асарлари пайдо бўлиб, репертуарлари кенгайди.

Давлатимиз раҳбари барчамизнинг фикр, мулоҳаза ва тақлифларимизни эшитди. Келаси йили қорақалпоқ халқининг атоқли шоири Аҳиниёз Қўсийов ўғлининг 200 йиллигини ва бир неча йилдан сўнг эса Бердақ бобомизнинг 200 йиллигини нишонлаш бўйича қарор чиқишини эшитиб, жуда хурсанд бўлдик.

Ҳар бир халқнинг маданиятини театр саҳналарида кўриш мумкин. Президентимизнинг “Маданият Мўйноқдан бошланади” деб Мўйноқ, Бўзатов, Орол денгизи ҳақида айтган гаплардан тўлқинланиб, ушбу сўзлардан илҳом олдим. Она Ватанга муҳаббатимни изҳор этиш учун Бўзатов, Мўйноқ ҳақида муסיқа басталай бошладим. Ҳар доим мен басталаган муסיқа асосида қўшиқ қуйлаган ёшларнинг кўзларида нур кўраман.

Учрашув чоғида маданият ва санъат соҳаси вакиллари қўллаб-қувватлаш, уларга кўпроқ эътибор қаратиш масаласида гапирдим. Президентимиз фикр ва тақлифимни қўллаб-қувватлашни, маданият ва санъат соҳаси доимо эътиборида бўлишини айтиди. Мен бундан қувондим. Албатта, санъаткорларга яхши сўз айтиш, яхши муносабатда бўлиш уларнинг ижодий юксалишига туртки бўлади. Муъжизалар яратишга илҳом беради.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



БУГУННИНГ ГАПИ

ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГЕТИКА: ИҚТИСОДИЁТ БАРҚАРОРЛИГИ, ТАРАҚҚИЁТИМИЗ МЕЗОНИ



Нилуфар АВЕЗОВА,
техника фанлари доктори,
халқаро ва миллий эксперт

Бошланиши 1-бетда

Дунё иқтисодиёти глобаллашуви, саноат жадал ривожланиб, аҳоли сони ўсиши ҳисобига электр истеъмоли кундан-кунга ошиб бораётган бугунги кун шароитида эса бу масала янада долзарб аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Қолаверса, ушбу неъматни аънавий усулда ишлаб чиқариш учун ишла-тиладиган табиий заҳиралар ҳажми камайиб борапти. Шу боис, аксарият ривожланган ёки ривожланиш йўлига ўтган давлатлар электр энергияси барқарорлигига эришиш йўлида муқобил энергетика имкониятларидан фойдаланишга ўтмоқда. Зеро, қайта тикланувчи энергия манбалари, бир томондан, дунё эҳтиёжларига нисбатан жуда катта салоҳиятга эга бўлса, бошқа томондан, атмосферага заҳарли газлар чиқарилишининг олдини олишга хизмат қилиши, "яшил"лиги билан аҳамиятлидир.

Энергетика барқарорлиги масаласи ҳозирги кунга келиб улкан бунёдкорлик майдонига айланган, саноат ривожининг янги даврига ўтаётган Ўзбекистон учун янада долзарб ҳисобланади. Негаки, сўнгги беш йилда юртимизда хонадонлар 1 миллион 200 минггага кўпайди, қорхона-лар сон эса 260 минггага етган. Булар, ўз навбатида, электр энергиясига бўлган талабни 35 фоизга оширди. Ҳисоб-китобларга қўра, республикамизда бу талаб йилга ўртача 4-5 фоизга кўпайиб боришда давом этади.

Иссиқхона газлари чиқиндилари кескин камайтиради

Тараққиёт этган мамлакатлар қаторида Ўзбекистон ҳам ўз олдида иқтисодиёт тармоқларида энергия самарадорлигини ошириш ва қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш имкониятларини жадал суръатлар билан ривожлантириш, бу орқали иқтисодиётнинг энергия ва углерод ҳажмдорлигини камайтириш бўйича улкан мақсадларни қўйган. Бу борада энергетик хавфсизлигини мустаҳкамлаш, иқтисодиёт тармоқларида барқарор энергия таъминотини амалга ошириш, энергия манбаларини диверсификация қилиш ва атмосферага иссиқхона газлари

чиқиндилари чиқишини камайтириш бора-сида изчил ва тизимли чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

БМТнинг Иқлим ўзгариши бўйича конвенцияси доирасида 2021 йилда чоп этилган Ўзбекистонда 1990-2017 йилларда иссиқхона газлари чиқиндилари тўғрисидаги ҳисоботига қўра, 2017 йилда юртимизда жами иссиқхона газлари чиқиндилари 189,2 миллион тоннани ташкил қилган (ютилган газлар бундан истисно). Умумий ҳолда, ушбу даврда аҳоли жон бошига умумий иссиқхона газлари чиқарилиши жон бошига 5,8 тонна, ЯИМ бирлигига қўра — 2,55 килограммни ташкил қилган. Шу ўринда иссиқхона газлари чиқиндиларининг асосий ҳиссаси — 76,3 фоизи энергетика тармоғига тўғри келишини алоҳида таъкидлаш лозим.

Дунё мамлакатлари қатори Ўзбекистонда ҳам иссиқхона газлари чиқиндиларини камайтириш бўйича фаол қадамлар қўйилмоқда. Бу борада 2018 йилда "Иқлим бўйича Париж битими" ратификация қилинди. Президентимизнинг 2019 йил 4 октябрдаги "2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг "яшил" иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори билан 2019-2030 йилларда Ўзбекистон Республикасининг яшил иқтисодиётга ўтиш стратегияси тасдиқланди.

Стратегияда 2030 йилга келиб ялпи ички маҳсулот бирлигига тўғри келадиган иссиқхона газлари солиштирма чиқиндиларини 2010 йилга нисбатан 10 фоизга қисқартириш, шунингдек, энергия самарадорлигини икки баравар ошириш ва ЯИМнинг углерод ҳажмдорлигини камайтириш белгиланган эди. Эътиборли жиҳати, Ўзбекистон иссиқхона газ чиқиндиларини сезиларли камайтириш мажбуриятини зиммасига олди. Ушбу вазифалар билан бир қаторда, республикада кўмир асосидаги энергетикани янада ривожлантиришга киришди.

Бугунги кунда иқтисодиётимизда энергия сарфи баъзи давлатлардан 2 баравар юқори. Бу эса энергия самарадорлигини ошириш, қайта тикланадиган муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш ҳамда соҳадаги ислохотларни жадаллаштиришни тақозо этмоқда.

Ҳозирги вақтда мамлакатдаги барча электр станциялари томонидан ишлаб чиқариладиган электр энергияси йилга 74 миллиард кВт соатни ташкил этади. Давлатимиз раҳбари томонидан 2030 йилга келиб бу кўрсаткични 120 миллиард кВт соатга етказиш вазифаси қўйилди. Шу билан бирга, мамлакат энергия тизимида 2030 йилгача қайта тикланувчи энергия манбалари асосидаги энергия тизимларининг ўрнатилган қуввати кўрсаткичи 15,9 ГВт га етказилиши режалаштирилган. Бу ҳозирги ягона энергия тизимининг мавжуд қувватига яқин кўрсаткич экани билан аҳамиятлидир.

Маълумки, бугунги кунда ушбу вазифалар ижросига киришилган, юртимизнинг деярли барча ҳудудларида йирик, ўрта ва кичик қувватга эга қайта тикланувчи энергия асосидаги электростанцияларни қуриш лойиҳалари амалга оширилмоқда.



Жумладан, 2021 йилда илк бор Навоий вилояти Қармана туманида қуввати 100 МВтлик қуёш фотозлектр станцияси ишга туширилди. Самарқанд вилоятининг Нуробод туманида ҳам шундай йирик қуёш фотозлектр станцияси иш бошлади.

Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманида қуввати 100 МВт бўлган, йилга 360 миллион кВт соат электр энергияси ишлаб чиқаришга мўлжалланган лойиҳа қурилиши бошланган. Ушбу лойиҳа 110 мингдан ортиқ хонадонни электр энергияси билан таъминлаши, 106 миллион метр куб табиий газни тежаб, атмосферага 160 минг тонна зарарли газлар чиқарилишининг олдини олиши, асосийси, тежалган газ билан 35 минг хонадонни бир йил давомида газ билан таъминлаш имконини вужудга келтириш билан аҳамиятлидир.

Бундан ташқари, Самарқанд ва Жиззах вилоятларида ҳар бирининг қуввати 220 МВтдан бўлган 2 та қуёш фотозлектр станцияси, Бухоро вилоятида умумий қуввати 1000 МВт бўлган 2 та шамол электр станцияси ҳамда Навоий вилоятида қуввати 200 МВт, Сурхондарё вилоятида қуввати 457 МВт бўлган бўлган қуёш фотозлектр станциялари, 2024 йилда эса Навоий вилоятида қуввати 500 МВт бўлган шамол электр станциясини қуриш режалаштирилмоқда. Жами ишга тушириладиган янги қувватлар эвазига пировардида, умумий 2 797 МВт электр энергияси ишлаб чиқарилади.

Хуқуқий асосларни мустаҳкамлаш зарур

Ҳозирги кунга қадар қайта тикланувчи энергия манбалари асосидаги тизимларнинг барқарор ва ишончли ишлаши ҳамда уларни мавжуд энергия тармоғига хавфсиз интеграция қилиш, эксплуатация учун етарли инфраструктурага эга эмасмиз.

Лекин ушбу ҳолатни камчилиқ сифатида баҳолаш нотўғри бўлади. Чунки биринчидан, муқобил энергетика биз учун нисбатан янги йўналиш. Иккинчидан, Ўзбекистон саноат ривожининг янги босқичига ўтишга киришар экан, бу энергияга талабни кескин ошириш ва шундан келиб чиқиб, мамлакатимизда қайта тикланувчи манбалардан фойдаланишни кенгайтиришга жадал киришилди. Албатта, стратегик нўқтаи назардан тез суръатлар билан бажарилиши лозим бўлган лойиҳалар ҳар доим мавжуд бўлган ва аксарият мезонлар амалиётдан келиб чиққан ҳолда тасдиқланади.

Зарур ҳуқуқий базанинг мавжудлиги эса соҳанинг ривожланишига гаров ва йирик инвестицияларни жалб этиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мўқаррар. Бу эса қайта тикланувчи энергетика соҳасида нафақат ички бозор, балки ташқи бозорни ҳам эгаллашимизга имкон яратди.

Соҳада мавжуд халқаро ва миллий салоҳият ҳамда кўп йиллик тажриба шунини тақозо қилмоқдаки, бугунги кунда қайта тикланувчи энергетикага саноатнинг алоҳида йирик тармоғи сифатида қараш лозим.



Бу борада, яъни қайта тикланувчи энергия манбалари асосидаги энергетикани ривожлантиришни мақсад қилган эканмиз, соҳада қатор долзарб масалаларнинг ечимини тезлаштиришимиз шарт.

Биринчидан, республикада энергетика объектларининг энергетик хавфсизлиги регламенти ишлаб чиқилмаган. Бу эса, ўз ўрнида, хавфсизлик индикаторларини аниқлаш масалалари билан боғлиқ бўлиб, уларни тўғри танламаслик ва баҳоламаслик келажақда нотўғри ёндашувлар натижасида тизимли энергия етишмовчилигига олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам тегишли регламенти ишлаб чиқишни тезлаштириш керак.

Иккинчидан, Энергетика тизимини ривожлантириш концепциясида аънавий ва муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш бўйича кўрсаткичлар тақсимланган. Бироқ ҳозирда республикада фақат қуёш энергиясининг техник салоҳияти бўйича илмий асосланган ва юқори аниқликдаги маълумотлар базаси мавжуд. Сув ресурслари, шамол энергиясининг турли бандлик-даги техник салоҳияти ва биомасса энергиясининг техник салоҳияти ҳақида илмий асосланган маълумотлар эса мавжуд эмас. Пировардида, улар асосида ишлайдиган технология ва қурилмалар ҳамда тизимларнинг техник салоҳияти республикамиз ҳудудлари кесимида асосланмаган. Бу эса концепцияда аънавий ва муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш бўйича тақсимланган кўрсаткичларни қайта қўриб чиқиш заруратини юзага келтиради.

Учинчидан, бино ва иншоотларни энергосамардор ва қуёш панеллари асосида иситиш ва совитиш тизимларини қўллаш имконияти илмий асосланган бўлишига қарамаздан, бу бўйича ҳам зарур меъёрий ҳужжатлар етарли эмас. Фотозлектр панеллар ва қуёш сув иситиш коллекторларидан бино электр ва иссиқлик таъми-

ноти тизимларида фойдаланиш ҳисобига тизимга сарфланадиган бирламчи энергия ресурсларини 50 ва ундан кўпроқ фоизга қисқартириш мумкин.

Хавоний мўътадиллаштириш, шамоллаштириш ва иситиш тизимларида қуёш технологиялари ва янги муҳандислик ёндашувлари ҳисобига тизимларнинг энергия самарадорлигини 50 фоиз ошириш мумкин. Бирламчи энергия ресурсларини тежа-ш имконияти юқори. Бу борада мавжуд шахарсозлик нормалари ва қоидалари ҳамда стандартларга зарур ўзгаришлар киритилиши лозим.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, 2018 йилдан бошлаб шахарсозлик нормалари ва қоидалари ҳамда Технологик лойиҳани ишлаб чиқиш, мувофиқлаштириш ва тасдиқлаш тартибларининг янги таҳрирларида яшил технологиялар имконияти тилга олинган, бироқ тизим учун уларнинг ўлуши ёки интеграцияси бўйича маълумотлар мавжуд эмас.

Тўртинчидан, фотозлектр станцияларни бино ва қуёш сув иситиш коллекторларни бино ва иншоотларга хавфсиз ўрнатиш бўйича тасдиқланган техник шартлар тартибларининг янги таҳрирларида яшил технологиялар имконияти тилга олинган, бироқ тизим учун уларнинг ўлуши ёки интеграцияси бўйича маълумотлар мавжуд эмас. Тўртинчидан, фотозлектр станцияларни бино ва қуёш сув иситиш коллекторларни бино ва иншоотларга хавфсиз ўрнатиш бўйича тасдиқланган техник шартлар тартибларининг янги таҳрирларида яшил технологиялар имконияти тилга олинган, бироқ тизим учун уларнинг ўлуши ёки интеграцияси бўйича маълумотлар мавжуд эмас.

Шу билан бирга, юқорида санаб ўтилган муқобил энергия манбалари асосидаги энергия тизимларининг 2 та асосий кўрсаткичи, яъни тизимларнинг ишлаб чиқариш ва ўрнатилган қувватдан фойдаланиш коэффициентлари кўрсаткичлари илмий башоратланган бўлиши керак. Йирик инвестиция лойиҳалари мана шу чегаравий

шартлар асосида амалга оширишни талаб қилиш лозим. Бу эса соҳага кириб келаётган қурилма ва бутловчи қисмларнинг сифат кўрсаткичларини назоратга олиш зарурлигини билдиради. Ҳозирда республикамизда ўрнатилаётган фотозлектр станциялар бутловчи қисмларнинг сифат назорати талаб даражасида, деб бўлмайди.

Бундан ташқари, ўрнатилаётган муқобил электр станцияларининг фойдаланиш муддати тугагач уларни утилизация қилиш масалаларига ойдинлик киритиш керак. Агар бу масала ҳам ўз вақтида ҳал этилмаса, 15-20 йиллардан сўнг муаммога олиб келиши мумкин.

Шунингдек, қуёш иссиқлик қурилмалари учун мўлжалланган иссиқлик ташувчиларни деградациясидан сўнг ҳосил бўлган катта миқдордаги чиқиндилар масаласи ҳам катта эътибор талаб қилади.

Бешинчидан, Ўзбекистон ҳудудида сув ресурсларининг тақсимоти, янги энергетик объектлар ва тизимларни 2030-2050 йилларга ишга тушириш суръатини ҳисобга олган ҳолда, уларни эксплуатация қилиш учун зарур сув ресурсларини баҳолаш ва баҳоратлаш асосида режалаштириш керак бўлади. Бу эса, ўз навбатида, юртимизда ёғингарчилик миқдори бўйича 30 йиллик статистика: частотаси, ҳажми ва давомийлигини ўрганиш ҳамда узоқ муддатли башоратлар (2050-2100 йиллар кесимида) асосида ёғим сувидан халқ ҳужалигида фойдаланиш имкониятларини баҳолаш ва кадастрини шакллантиришни талаб қилади.

Шу билан бирга, ёғингарчилик даражасидан келиб чиққан ҳолда тупроқнинг намлиши даражаси ва чўлланши ҳамда унинг тезлигини баҳолаш, ер банетининг кадастрини шакллантириш (динамика) асосида қуёш фотозлектр станцияларини қуришга энг мақбул ер участкаларини баҳолаш ва режалаштириш зарур.

Қайта тикланувчи энергия манбалари асосидаги энергия тизимларидан фойдаланишни кенгайтириш келажақда бошқа саноат тармоқлари ривожланиш суръатига таъсир этмаслиги керак. Фотозлектр станция ва тизимларни барпо этиш билан биргаликда, уларни хавфсиз эксплуатация қилиш, хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам зарур тегишли техник талабларни ишлаб чиқиш талаб этилади.


Ўзбекистонда мавжуд йирик қуёш фотозлектр станцияларининг реактив қуввати ва гармоникаларнинг электр тармоқдаги йўқотишлар таъсири ҳисобга олинмаган. Яъни фотозлектр станциянинг электр тармоқда негатив таъсири ўрганилмаган. Ҳозирги йирик, ўрта ва кичик қувватли фотозлектр станцияларнинг тизимга фойда ва зарари даражаларини илмий ва амалий баҳолаш имконини беришни излашларни қўлайитишимиз, асосли ҳулоаслар ишлаб чиқишимиз керак. Бу эса, ўз навбатида, келажақда қурилиши режалаштирилаётган фотозлектр станция ва тизимларни мақбул лойиҳалаштириш ва уларнинг чиқиш кўрсаткичларини юқори аниқликда баҳолаш имконини беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, юқорида санаб ўтилган вазифаларни сифатли амалга оширишга салоҳиятли бўлган олим ва мутахассисларимиз бор. Амалий вазифаларни сифатли бажарувчи кўп йиллик тажрибига эга ишлаб чиқариш корхоналари ҳам мавжуд. Бироқ, юқорида қайд этиб ўтганимиздек, бу йирик тармоқни меъёрий жиҳатдан тартиб асосида назорат қилиш, баҳолаш ва чора қўриш учун ҳозирча зарур инфраструктура шакллантирилмаган. Шу боис ҳам давлатимиз раҳбари соҳа ривожига бўйича қўйилган кўрсаткичларга эришиш учун уни амалга ошириш стратегияси — Миллий дастурини ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидлаган эди. Ушбу дастурда иқтисодиёт тармоқларида амалга оширилиши мўлжалланган вазифаларнинг бажарилиш муддати аниқ қўйилган бўлиши, асосий бажарувчи идора ва ташкилотлар белгиланиши (хорижий ёки маҳаллий), молиялаштириш манбалари ҳамда кўзда тутилган вазифаларни бажарилиш самарадорлиги ва сифатини баҳолаш мезонлари макроиктисодий кўрсаткичларга боғлиқ равишда қўйилиши шарт.

Энергетика соҳасини ривожлантириш масалалари инерциондир, чунки унинг янги ҳолатга ўтиши маълум вақт талаб қилади ва узоқ муддатли вазифалар мажмуасини ҳал қилиш билан боғлиқ; илмий, техник, технологик, молиявий, кадрлар ва бошқалар. Бугун қабул қилинган қарорлар эса 10-15 йил ичида қўйилган натижаларни беради, албатта.



ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР



Азалдан халқ орасида ўз ишининг тажрибали инсонларига "уста" деб таъриф беришган. Аммо уста бўлишнинг ҳам ўзига хос машаққатлари бор. Бу даражага эришиш учун кўпгина дошқичларни босиб ўтиш керак бўлган. Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган қахрамонимиз бугун нафақат ўз ҳудудида, балки бугун Қашқадарёга танилган уста-деҳқонлардан бири.

Тўхта бобо Очипов 85 ёшда. У болалиқдан боғдорчиликка қизиққан. Шу боис, бўлса керак, умрининг деярли етимиш йилдан ортигини боғидаги дарактлари билан тиллашиб ўтказиб келмоқда. Ҳали-ҳануз қўлида иш қуроли. Гоҳида пайвандлаш, гоҳида ер ағдариш билан машғул.

Қамаш туманига бориб, мабодо лимончилар қишлоғини сўрасангиз, исталган одам адашмай сизни бошлаб боради. Боиси, вилоятда энди-энди битта-яримта хонадонда лимон етиштирила бошланган пайтлари Тўхта бобонинг ҳовлисида бу дарактлар барчани ҳайратлантиригача, қўзни қамаштириб туради. Ўша пайтлар ундан яхшигина даромад топиш ҳадисини олган уста-деҳқон, ишдан келиб қўлига шоши-

ларди. Фарзанди каби бўлиб қолган дарактларни бир қўздан кечириб, қулчиқ чарчогини унутарди.

— Адашмасам, 1997 йил эди, — дея дастлабки боғдорчилик билан шугулланишни боғдорчилигини хотирлайди Тўхта бобо. — У пайтларда лимон бу атрофларда деярли экилмасди. Лимон эксам, бизда унинг кетармикни, деган ўйда шу ишга ки-зиқиб, қўчат ўтқазиб чиқдим. Орадан икки йил ўтиб ҳосилга кирди. Ўша пайтлари ҳўжаликда ўз соҳам бўйича ишлардим. Маош ҳам ўзига яраша, рўзгорнинг камига етмайдиган пайтлар эди. Зўрға кун ўтади. Тўққиз фарзандим бор. Меҳнат қилиб, қўшимча маблаг топишга интилдим. Лимонлар пишиб етилгач, бозорга олиб чиқдим. Қарасам мендан бошқа бирор кишида бу мева йўқ. Нарҳини суриштирсам, яхшигина қиммат экан. Сотишни бошлаб юбордим. Меҳнат қилсанг — роҳат топасан, деганларидек, ҳосилдан тушган маблаг оиламиз кам-қўстига ярай бошлади. Бунинг фойда-сини олаверганимиздан сўнг оиламиз билан янада кўпроқ ишладик. Даракт сонини ҳам аста-секин кўпайтириб, иссиқхонани кенгайтирдик. Энди рўзгор бут, уйда хотир-жамлик ҳўкм сура бошлади.

Яхши ташаббус тез қўлоқ ёзди. Тўхта бобонинг харажатида даромаддан ортиб бо-раётганини эшитган қўни-қўшилар ҳам шу ишнинг бошини тутиш харакатига тушди. Бекорчиликни ҳўш қўрмайдиган бобо енг шимариб, лимон экиш истагида келган ҳар

бир кишига тушултириш беришдан эрин-мади. Гоҳида ўзи бош бўлиб экиб берди. Ниҳол ҳосилга киргунга қадар мунтазам хабардор бўлиб, керакли курсатмалар бе-риб борди. Кейинчалик эса ўзи лимон кў-чатини кўпайтиришни бошлаб юборди. Бу эса томорқадан унумли фойдаланишнинг яна бир қўриниши эди. Шунингдек, қўшим-ча маблаг топишга йўл очди. Энди қўчат учун харидорлар нафақат вилоятнинг, бал-ки мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан буюртма бера бошлади. Энг асосийси, ўзи яшайдиган "Соҳибқор" маҳалла фўқаролар йиғини ҳудудида ҳам шу йўналишини тарғиб қилиши ортидан бугун аҳолининг деярли асосий қисми лимончилик билан машғул.

— Ростини айтсам, ҳовлимда даракт йўқ эди, — дейди "Соҳибқор" МФЙ ҳўким ёрдамчиси Баҳриддин Очипов. — Тўхта бобонинг ташаббуси билан бугун маҳалла-миз деярли тўлиқ лимончиликка ихтисос-лашди. Етмиш фойздан ортиқ хонадонда иссиқхоналар мавжуд бўлиб, "сарик олтин" экилган. Бунинг ортидан ҳар бир хонадон йилга ўртача 60-70 миллион сўм даромад олапти, ўзим ҳам яхшигина маблаг ишлаб толаман. Ўз меҳнатинг маҳсули қанчалик ширин эканини меҳнат қилиб, унинг ҳўси-лини олган одам билади.

Дарҳақиқат, бугун маҳаллада томорқа-дан фойдаланиш маданияти шаклланиб, одамлар даромад манбаига эга бўлпти.

— Мақтаниш бўлмасин, лимон кўчати билан вилоятимиз аҳолисининг таҳминан



етмиш фоизини биз таъминладик, — дейди Тўхта бобо. — Бундан ташқари, Қорақал-поғистон ва Хоразмга ҳам жўнатдик. Бугун вилоятимизнинг турли ҳудудларида иссиқ-хонамизда етиштирилган ниҳоллар мева бермоқда. Бу мен учун катта фахр. Баъзи-ларига ўзимиз экиб берганимиз. Айримлари ҳўзиргача доим маспахат сўраб туради. Шунинг ортидан оиласига нафи тегаёт-нидан, бандлиги таъминланганидан доим

мамнун ҳўлда эътироф этади. Шунинг ўзи мен учун катта бахт. Ҳўзир 32 сотихли и-ссиқхонамиз бор. Унда лимон, мандарин, апельсин экилган. Қўчатчилик билан қўшиб ҳўсболаганда, бир йилда ўртача 300-350 миллион сўмгача даромад қилиямиз.

Тўхта бобонинг ҳовлисига кириб, бир қар-иш бўлса-да бўш ерни учратмайсиз. Уста-деҳқон ердан унумли фойдаланишни яхши билгани боис, бу хислат фарзандларига

ҳам ўтган. Қизиғи, иссиқхонани иситиш учун бирор печь қўринмайди. Бобонинг айтишича, усти елим қўғоз билан ёпилган жойда 10 даража совуқгача ниҳоллар чида-ши мумкин. Ундан юқори совуқ қўзатилса, икки қават ёпилган елим қўғоз устидан яна бир қават ёпилиб, исирикнинг қўрилгани ичкарида тутун қилиб қўйилиши катта фой-да берадкан.

Ҳўллас, биргина томорқаси ортидан тўққиз фарзандни уйли-жойли қилиб, етарли имкониятлар яратишининг бари меҳнат самараси эканини кўп тақрор-лашни қанда қилмайдиқан ота саҳоват-пешаликни ҳам ёддан чиқармайди. Кам таъминланган оилаларга доим кўмак бериб келади. Ўзи шу ёшда бўлса-да, меҳнати маҳсули бўлган янги машина-сини миниб, маҳаллани айланиб кели-шни одатга айлантирган. Суяғи меҳнатда қотгани боис бўлса керак, доим тетик. Соғлом турмуш тарзига ҳар доим амал қилиб келади. Маҳалла раиси Қўрбонали Бойбуловнинг таъкидлашича, бу ҳудудда яшовчи аҳолининг ҳар бири томорқаси-дан унумли фойдаланишни айнан шу ки-шидан ўрганган.

Айтганча, Тўхта бобонинг меҳнатла-ри эътироф этилиб, 2021 йилда "Меҳнат шўҳрати" ордени билан тақдирланган. Қўк-сини бебаз тўрган орден отанинг шўнча йиллик ибратли ишлари эътирофи эканини англаш қийин эмас. Отанинг меҳнаткаш ва тиришқоқлиги кўпчиликка ўрнак бўлиши шўбҳасиз.

Ақбар РАҲМОНОВ,
"Янги Ўзбекистон" муҳбири

УЛАР АСЛЮ КАМ ЭМАС

давлат ғамхўрлиги шундан далолат бераётир

Жисмоний имконияти чекланган бўлса-да, сабр-бардошли, мустаҳкам иродали, матонатли инсонлар орамызда кўп. Бироқ ҳамма жамиятда уларнинг ишлаши, таълим олиши, ҳаётда тўлақонли иштирок этиши ва ўзига муносиб ўрин топиши учун имконият яратиш доим долзарб масала бўлиб келган. Жумладан, юртимизда ҳам ногиронлиги бўлган фуқаролар учун муносиб ҳаёт тарзини вужудга келтириш, инклюзив жамият барпо этиш кун тартибига кўтарилиди.



ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ БИНОЛАРИНИНГ ИЧКИ ВА ТАШҚИ ЙЎЛАКЛАРИДА ТАЯНЧ-ХАРАКАТ АППАРАТИДА НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ТАЛАБАЛАРНИНГ ХАВФСИЗ ХАРАКАТЛАНИШИ УЧУН КИРИШ ЖОЙЛАРИДА МЕЪБЭРИЙ ТАЛАБЛАРГА МОС ПАНДУС, ТУТҚИЧ, МАХСУС (ТАКТИЛЬ ПЛИТКАЛИ) ЙЎЛАКЛАР ВА ЮҚОРИ ҚАВАТЛАРГА КЎТАРИЛИШ УЧУН ЛИФТ, КЎТАРМА ЙЎЛАКЛАР ЎРНАТИЛГАН. ҚАРИЙБ УЧ МИНГ НАФАР НОГИРОНЛИГИ МАВЖУД БЎЛГАН ТАЛАБА ТУРАР ЖОЙ БИЛАН ТЎЛИҚ ТАЪМИНЛАНГАН. ШУНИНГДЕК, ТУРАР ЖОЙДА ЯШАШ УЧУН ТЎЛОВЛАРДАН ОЗОД ЭТИЛГАН.

Олий маълумот олишдаги синовлар

Айни пайтда олий таълим муассасаларида тахсил олаётган имконияти чекланган талабалар сони 6120 нафар. Уларнинг соғлом тенгдошлари қатори таълим олишни таъминлаш учун шароит яратилган. Жумладан, ўтган йили олий таълим муассасаларида тахсил олаётган кўзи ожиз ва заиф кўрувчи талабалар учун педагогика, психология, тарих, математика, филология, бизнес ва бошқарув, ҳуқуқ, хорижий тиллар, спорт, физика, иқтисод, биология, кимё таълими йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича ҳуқуқ қўлланма ва дарсликлар тайёрланди.

— Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 июндаги “Олий таълим муассасаларига ногиронлиги бўлган шахсларни қўшимча давлат гранти квоталари асосида ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида”ги қарори ногиронлиги бор йигит-қизлар учун қатор имкониятларга йўл очди. — дейди Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги департамент бошлиғи Абдували Холқов. — Ушбу қарор қабул қилингунга қадар ногиронлиги бўлган абитуриентлар

Ўтган йили ноябрь ойи ҳолатига кўра, уларнинг аксарияти ишламоқда.

Олий таълим муассасалари биноларининг ички ва ташқи йўлакларига таянч-ҳаракат аппаратида ногиронлиги бўлган талабаларнинг хавфсиз ҳаракатланиши учун кириш жойларида меъбэрий талабларга мос пандус, тутқич, махсус (тактиль плиткали) йўлаклар ва юқори қаватларга кўтарилиш учун лифт, кўтарма йўлаклар ўрнатилган. Қарийб уч минг нафар ногиронлиги мавжуд бўлган талаба турар жой билан тўлиқ таъминланган. Шунингдек, турар жойда яшаш учун тўловлардан озод этилган.

Ҳаёт сифатига қаратилган тадқиқотлар

— Илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида тиббий-ижтимоий муассасалар фаолиятига доир муаммоларнинг илмий ечимига қаратилган 5 та илмий лойиҳанинг тематик мавзулар рўйхати ўзaro тасдиқланган, лойиҳалар танловининг 74-турида эълон қилинди. — дейди Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг илм-фан ва инновацион фаолиятини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Шухрат Отажонов. — “Малакали спортчилар ҳамда имконияти чекланган шахслар велосипедда виртуал машғулотлар ўташи учун “Virtual training in cycling” технологиясини ишлаб чиқиш”, “Умртқа погонаси ва орқа мия жароҳатлари ҳамда касалликларига учраган бемор ва ногиронлиги бўлган шахсларни тахшиш, даволаш ва комплекс реабилитация қилишда каминвазив технологияларни ишлаб чиқиш”, “Оёқ чўлқоқлиги бўлган бемор ва ногиронлиги бўлган шахсларни протезлашда эрта протезлашнинг янги технологиясини ишлаб чиқиш” каби қатор мавзулардаги илмий лойиҳалар натижасида соҳада янги дастур ва услублар ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилиши режалаштирилган.

Булардан ташқари, ногиронлиги бўлган шахслар билан ишлашга қаратилган 300 миллион сўм қийматидаги 3 та стартап лойиҳа ҳамда 800 миллион сўм қийматидаги 1 та илмий лойиҳа амалга оширилган. “Кўзи ожизлар учун инновацион рельефли хаританинг янги авлодини яратиш”, “Ногиронлар учун миникран” стартап лойиҳалари ҳамда “Кўзи ожиз ва заиф кўрувчилар учун электрон “Брайль гаджет”нинг прототипини яратиш” илмий лойиҳаси шулар жумласидан.

— Олдинда қилинмиш лозим бўлган ишлар ҳам кўп. — дейди Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги бўлим бошлиғи Салоҳиддин Санақулов. — Ногиронлиги бўлган талаба-ёшлар турли кўрик-танлов ва спорт мусобақаларида бошқалар сингари ўз иқтидор ва қобилиятини, билимини намойиш қилишда тенг имкониятга эга эмас. Шу боис, улар учун алоҳида кўрик-танлов ва спорт мусобақаларини ташкил этиш лозим. Бу уларнинг алоҳида қобилият ва иқтидорини намойен келтиш, муносиб кўллаб-қувватлаш ҳамда келгусида паралимпия ўйинларига фаол иштирок этиши учун ҳам хизмат қилади.

Шу билан бирга, ногиронлиги бўлган талабаларнинг ҳаётида ўз ўрнини топиб кетиши, ногиронлик даражаси ва тоифасига кўра мавжуд қийинчиликларни енгиши билан боғлиқ жараёнларни қарамб олган ҳамда уларга ижтимоий-психологик кўмаклашишга мўлжалланган илмий-амалий, ҳуқуқ-услубий адабиётларни ишлаб чиқишда илгор хорижий тажрибаларни ўрганиш ва ўзлаштириш, ногиронларга кўмаклашувчи ахборотлар базасининг миллий контентини яратишга эҳтиёж мавжуд.

Ногиронлик даражаси ва туридан келиб чиққан ҳолда, илгор хорижий тажрибаларни ўрганиш ишларини амалга ошириш мақсадида илмий тадқиқот олиб борувчи мутахассис-олимлар гуруҳини шакллантириш ва ногиронларга ижтимоий-психологик кўмаклашишга мўлжалланган илмий-амалий, услубий тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда ногиронларга кўмаклашувчи ахборотлар базасининг миллий контентини яратиш олдимишда турган муҳим вазифадир.

Бу жараёнга нодавлат нотижорат ташкилотлар, маҳаллий ҳамда халқаро грант лойиҳаларини жалб этиш режалаштирилаётгани имконияти чекланган инсонларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, уларнинг бошқа соғлом инсонлар қатори турмуш кечиришини таъминлашдек эзгу мақсадни кўзда тутди.

Рисолат МАДИЕВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

“Имкон”

КЎП ТАРМОҚЛИ ЁНДАШУВ ТУФАЙЛИ ТЎЛИҚ РЕАБИЛИТАЦИЯ ВА КОРРЕКЦИОН-ПЕДАГОГИК ЁРДАМ КЎРСАТИШ, ШУНИНГДЕК, БОЛАНИ БИР ВАҚТНИНГ ЎЗИДА БИТТА МУАССАСА ШАРОИТИДА БАРЧА МУТАХАССИСЛАР ЁРДАМИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ УЧУН БУТУНЛАЙ ЯНГИ — РЕАБИЛИТАЦИЯ МАРКАЗИГА ЭГА КЎП ТАРМОҚЛИ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИ МОДЕЛИ ТАКЛИФ ЭТИЛДИ. ЖУМЛАДАН, НУКУС ШАХРИДАГИ ОРОЛЬЎЙИ МИНТАҚАСИ БОЛАЛАРИ УЧУН ЗАМОНАВИЙ ТАЛАБЛАРГА ТЎЛИҚ ЖАВОБ БЕРАДИГАН РЕАБИЛИТАЦИЯ МАРКАЗИГА ЭГА “ИМКОН” КЎП ТАРМОҚЛИ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИ АНА ШУ МОДЕЛЬ АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН.

“Имкон” марказининг тузилмасида болаларга коррекцион-педагогик ва реабилитация ёрдами кўрсатиладиган даврда чекка ҳудудлардан келган ота-оналар фарзанди билан бирга яшашига мўлжалланган ётоқхона мавжуд.

Нукус шаҳрида фаолият кўрсатаётган реабилитация марказига эга “Имкон” кўп тармоқли иختисослаштирилган мактаб-гача таълим ташкилотининг ижобий тажрибаси бу каби муассасаларни бошқа вилоятларда ҳам барпо этишга замин ҳозирлади. Жумладан, 2021 йилнинг ноябрь ойидан Қўбрай туманида, ўтган йили июнь ойида Қашқадарё ва Навоий вилоятларида реабилитация марказига эга давлат кўп тармоқли иختисослаштирилган мактаб-гача таълим ташкилотлари фойдаланишга топширилди.

— Тарбияланувчилар алоҳида эҳтиёжга эгалиги сабаб Мактаб-гача таълим агентлиги тавсиясига асосан, 2-7 ёшли алоҳида эҳтиёжли болалар учун мослаштирилган ўқув дастуридан фойдаланамиз. — дейди Қўбрай туманидаги “Имкон” реабилитация марказига эга давлат кўп тармоқли иختисослаштирилган мактаб-гача таълим ташкилотининг директори ўринбосари Камола Аминова. — Таълим-тарбия ва реабилитация жараёнида тарбияланувчиларга қўйилган ташхис асосида болаларнинг имконияти, ривожланиш даражасидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир болага индивидуал ёндашилади. Янги қабул қилинган бола ўз йўналиши бўйича шифокор, психолог, дефектолог кўригидан ўтказилиб, айнан унга мос индивидуал йўналиш ишлаб чиқилади. Бу йўналиш бўйича бола тиббий ёрдам ва таълим-тарбия олади. Чунки ташкилотимизда айнан битта ташхисга эга бўлган болалардан ташқари, бир неча ташхисли болалар ҳам кам эмас. Шунинг учун уларни ривожлантириш, камчиликларни коррекциялашда индивидуал ёндашув талаб этилади.

Мазкур муассаса тарбияланувчиси Зафар Собитов 3 ёшда. У ўтган йилнинг апрель ойида марказга келган. Онаси унга ҳомиладорлик чоғида жигар циррозига йўлиқди. Шундай бўлса-да, боласини дунёга келтирди. Фарзанди бир ёш икки ойлик бўлганда оғир хасталик туфайли ҳаётдан кўз юмди. Зафар болалар церебрал фалажи, спастик тетрапарез билан туғилган. Онаси вафотидан сўнг бувиси қарамоғида қолган.

— Зафар “Имкон” реабилитация марказига келтирилган пайтда ҳатто бўйини тутта олмасди. — дейди махсус педагог, дефектолог Соҳиба Равшанова. — Утириш, эмаклаш малакаси мўлақо шаклланмаганди. Нутқи ривожланмаган, болада фаол ҳаракатланиш чекланган,

диққати тарқоқ эди. Ўтган вақт мобайнида ҳаракати бир оз фаоллашди. Машғулотларга эътибор қарата бошлади. Умумий ва майда кўп ҳаракати яхшиланди. Оғзаки нутқидан унли товушларнинг барчаси пайдо бўлди. Ҳозир баъзи қисқа бўғинли сўзларни талаффуз қилишга ҳаракат қил-япти. Машғулотларга ҳам қизиқиши пайдо бўлди. Атрофдаги мулоқотга бефарқ эмас. Ўзига қаратилган мураккабни тушу-нади. Буларнинг барчаси марказда йўлга қўйилган коррекцион ривожлантирувчи таълим натижаси, деб ўйлайман.

Бу ерда болалар соғлом тенгдошларидан ажралиб қолмаслиги учун руҳиятига мос муҳит яратилган. Мутахассислар кўп илмлик тажрибага эга, улар бундан аввал ҳам алоҳида эҳтиёжга мўлақот бўлган болалар билан ишлаган.

— Давлат кўп тармоқли иختисослаштирилган мактаб-гача таълим ташкилотларини коррекцион, педагогик ва реабилитация ускуналари билан жиҳозлаш дастури доирасида Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардаги 74 та кўп тармоқли иختисослаштирилган мактаб-гача таълим ташкилоти 22 миллиард сўмлик жиҳозлар, жумладан, замонавий ускуналар, дидактик материаллар, махсус ўйинчоқлар, эшитиш қобилияти чекланган болалар учун замонавий эшитиш аппаратлари, аудиомашғулот хоналари учун замонавий реабилитация ускуналари, педагогик ва реабилитация муолажаларини имкон қадар самарали ўтказишга хизмат қиладиган турли тренажёрлар билан таъминланди. — дейди Мактаб-гача таълим агентлигининг бошқарма бошлиғи Умида Мухиддинова.

Тенгқурлари билан бир сафда

Муниса Абдужалолова 2010 йили туғилган. Гудаклик чоғи нотўғри эмланган қизнинг жисми ва руҳида ўчмас из қолдириди. Полиомиелит вакцинасининг ноқўя таъсири туфайли руҳияти бузилган қизга шифокорлар “гидроцефалия” ташхисини қўйди. Аввалига ўнчалик сезилмаган касаллик мактаб ёшига етганда яққол кўзга ташлана бошлади. Шундай бўлса-да, Муниса уйига яқин мактабга ўқишга борди. Аммо қизнинг ўқишга лаёқати пастлиги, руҳиятидаги ноқислик махсус парвариш ва ёндашувни талаб этарди. Шу боис, ота-онаси уни пойтахтимиздаги алоҳида таълимга эҳтиёжи бўлган болалар тахсил оладиган 103-мактаб-интернатга олиб борди. Муниса шу мактабда ўқий бошлади.

— Келганида анчагина тортинчоқ ва руҳан беқарор қиз бугун мактабнинг энг

“Имкон”

МАКТАБ-ИНТЕРНАТДА АҚЛИЙ РИВОЖЛАНИШИДА НУҚСОНИ БЎЛГАН 283 ЎҒИЛ-ҚИЗ ТАҲСИЛ ОЛАДИ. УЛАР УСТОЗ-МУРАББИЙЛАР ТАШАББУСИ БИЛАН НАФАҚАТ МАКТАБ ДАСТУРЛАРИДАН ЖОЙ ОЛГАН, БАЛКИ ФАНЛАРДАН ТАШҚАРИ ТУРЛИ БУЮМЛАР ЯСАШ, ДУРАДГОРЛИК, ЧИЛАНГАРЛИК, КАШТАДЎЗЛИК КАБИ БИР НЕЧА ХҲНАР СИРЛАРИНИ ИМКОН ДАРАЖАСИДА ЎРГАНИЯПТИ. ЎҚУВЧИЛАР ЎТГАН ЙИЛИ ЎЗИ ЯСАГАН ТАЙЁР МАҲСУЛОТЛАРНИ СОТИШ ОРҚАЛИ 12 МИЛЛИОН СЎМ ДАРОМАДГА ЭГА БЎЛДИ. МАБЛАҒНИНГ БИР ҚИСМИ ЎҚУВЧИЛАР МОТИВАЦИЯСИ УЧУН ЎЗЛАРИГА БЕРИЛДИ.

мактаб-интернат фаолият юритади. Уларда қарийб 42 минг бола тахсил олапти, 14,5 мингдан ортиқ педагог таълим-тарбия беради.

Президентимизнинг 2021 йил 21 декабрдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигига кўмаклашиш ҳамда ижтимоий фаоллигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”-ги қарори кўллаб ўқувчилар учун янги имкониятлар эшигини очди. 2022 йили кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар мактаб ва мактаб-интернатлари учун аудиокитоблар яратиш режаси, Брайль ёзувидаги китобларни тайёрлаш ҳамда таълим муассасаларига етказиб бериш режа жадвали тасдиқланди.

Ўтган йил давомида мазкур режа асосида 12 номдаги аудиокитоб яратилиб, фойдаланиш учун kitob.uz сайтига joyлаштирилди. 40 минг 534 нусха Брайль ёзувидаги китоблар чоп этилиб, кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар мактаб ва мактаб-интернатларига тақсимот асосида етказилди.

— Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик республика ташхис маркази томонидан алоҳида таълимга эҳтиёжи бўлган болаларнинг ота-оналари учун 13 номдаги методик тавсиялар ишлаб чиқилди. — дейди Мактаб-гача ва мактаб таълими вазирлигининг болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва инклюзив таълимни ривожлантириш бўлими бошлиғи ўринбосари Рўзиев Тўраев. — 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб инклюзив таълим тизимини босқичма-босқич ривожлантириб бориш ва қўламини кенгайтириш мақсадида инклюзив таълим жорий этилган умумтаълим мактаблари сони 195 тага етказилди. Мазкур мактабларда ташкил этилган инклюзив таълимга 504 имконияти чекланган бола қарамб олинди. Уларга 248 педагог бириктирилган.



“Имкон” маркази Корея, Россия, АҚШ, Польша, Германия, Хитой, Буюк Британияда ишлаб чиқилган замонавий реабилитация ускуналари ва воситалар билан жиҳозланган. Бу ерда лифтлар ўрнатилган, коррекцион бассейн, ўйин майдончалари жиҳозланган ва буларнинг барчаси турли ёндаш ногиронлиги бўлган болалар учун мослаштирилган. Сифатли

МОТУРИДИЯ ТАЪЛИМОТИ

ИНСОН АҚЛ-ЗАКОВАТИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИГА
ЮКСАК ЭЪТИБОР

Башарият бугунги кунда ҳам бундай ғояларга катта эҳтиёж сезмоқда



Жамолиддин КАРИМОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги
Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот
маркази директори

Ўзбекистон заминидан ислом дини ва умумбашарий цивилизация ривожига беназир ҳисса қўшган Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Муин Насафий, Имом Мотуридий каби буюк мутафаккир алломалар етишиб чиққан. Уларнинг бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган дурдона асарлари, инсоният равнақиға улкан таъсир кўрсатган таълимотлари жаҳон ҳамжамияти томонидан юксак эътироф этилган. Эътиборлиси, Шарқда кузатилган ҳар икки Ренессанс даврида ҳам аждодларимиз ҳам дунёвий, ҳам диний илмлар бўйича жаҳоннинг энг илгор олимлари қаторида бўлган. Улар орасида буюк ватандошимиз, калом илми асосчиси Имом Абу Мансур Мотуридий ёрқин фаолияти ҳамда ислом оламидаги юксак мавқеи билан алоҳида ажралиб туради.

Шарафли мақом

Аллома замондошлари ҳамда кейинги давр муаллифлари томонидан ҳақли равишда “Аламул-худа” — “Хидоят бай-роғи”, “Имомул-худа” — “Хидоят имоми”, “Мусахҳиқ ақидаги аҳлис сунна” — “Аҳли сунна ақидасини тўғриловчи”, “Имомул-мутакаллимин” — “Мутакаллимлар имоми” каби шарафли номлар билан улуғланган. Имом Мотуридийнинг инсоният олдидаги энг катта хизматларидан бири мусулмонлар ўртасида ақдавий масалаларда ихтилофлар авж олиб, турли бузғунчи оқимлар ўз ғояларини тарғиб қилиш орасида парокандаликка сабаб бўлаётган бир вақтда мўътадил таълимот асосида жамиятни жиپслаштиришга муваффақ бўлганида яққол намойён бўлади.

Алломанинг устозлар силсиласи ханафийлик мазаҳби асосчиси Имом Абу Ҳанифага бориб тақалиши, шунингдек, Имом Абу Юсуф ва Имом Мухаммад орқали Абу Ҳанифанинг тўртинчи авлод шогирди бўлгани у асос солган ақдавий мазаҳбнинг нубувват булогидан сув ичган нақадар ҳаққоний ва халқчил таълимот эканини тасдиқлайди.

Устувор йўналишлардан бири

Давлатимиз раҳбари Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 2016 йил Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган 43-сессиясида сўзлаган нутқида “**Мотуридий таълимоти илм эгаллаш жараёнида бағрикенглик ғояси асосида инсон ақл-заковатининг ўрни ва аҳамиятига юксак эътибор қаратади. Бу, ўз навбатида, ушбу таълимотнинг кенг оммалашувида муҳим ўрин тутган. Инсоният**

даврида жамиятда учраётган айрим баҳсли ақдавий масалаларга ечим топиш, жумладан, бузғунчи оқимларнинг ғояларига қарши далиллар асосида раддиялар беришда муҳим амалий аҳамиятга эга экани билан ифодаланади. Шу нуктаи назардан, Имом Мотуридий ва мотуридийлик таълимотини ўрганишни тизимли ташкил қилиш, шу асосда мутаассибликка қарши курашнинг илмий-назарий асосларини ишлаб чиқиш зарурати пишиб етилган эди.

Жаҳолатга қарши маърифат билан

Президентимизнинг 2020 йил 11 августдаги қарори асосида Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузурида Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази ташкил этилди. Марказ олдиға жамиятда учрайдиган диний-ақдавий муаммоларға ханафий-мотуридийлик мазаҳби асосида ечим топиш, Имом Мотуридий ва унинг

ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
МАРКАЗИ МУҲИМ ТАДҚИҚОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИБ
КЕЛМОҚДА. АЙНИҚСА, МАРКАЗДА ИСЛОМШУНОСЛИККА
ОИД КЛАССИК МАНБАЛАРНИ ТАРЖИМА ҚИЛИШ
ЙЎЛГА ҚЎЙИЛГАН ТАҲСИНГА САЗОВОР. ТУРКИЯДА БУ
КАБИ МАРКАЗЛАР МАВЖУД ЭМАСЛИГИ, ШУНИНГДЕК,
КЛАССИК МАНБАЛАРНИНГ ЧИРОЙЛИ ВА ХАЛҚЧИЛ
ШАКЛДА ЎҚУВЧИЛАРГА ТАҚДИМ ҚИЛИНМАСЛИГИ КАТТА
КАМЧИЛИК ҲИСОБЛАНАДИ.

ҲИЛМИ ДЕМИР,
ДОКТОР, ПРОФЕССОР

бугунги кунда ҳам бундай ғояларга катта эҳтиёж сезмоқда. Тарихий меросини асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодларга етказиш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир”, деб таъкидлаган эди.

2020 йил 3-5 март кунлари “Имом Мотуридий ва мотуридия таълимоти: ўтмиш ва бугун” мавзусида Самарқанд шаҳрида ўтказилган халқаро илмий-амалий анжуманда жаҳоннинг етуқ мотуридийшунос олим ва мутахассислари томонидан Имом Мотуридий илмий меросининг бугунги кундаги аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилди.

Жумладан, Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти (ICESCO) Бош котиби доктор Салим ал-Малик алломанинг илмий мероси ва мотуридийлик таълимотини ўрганиш заруратиға тўхталиб, “Имом Абу Мансур Мотуридий ислом тафаккури тарихида муҳим ўрин тутади. У хижрий II асрда Мовароуннаҳрда пайдо бўлган ва ислом оламида тарқалган сунийлик мактаби асосчиси ҳисобланади”, дея фикр билдирди.

Ислом оламида Имом Мотуридий шахси юксак қадрланишдан ташқари, унинг яна бир муҳим жиҳати борки, бу у асос солган таълимотнинг бугунги ғоялий курашлар авж олган глобаллашув

издошлари меросини ўрганиш, уларнинг ақида ва калом илми ривожига қўшган бебаҳо ҳиссасини тарғиб қилиш, шу асосда ёш авлодни умуминсоний эзгу қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларда ёт ғояларға қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш, “жаҳолатға қарши маърифат” ғояси остида исломнинг илм-маърифат, маънавий баркамоллик, тинчлик, тараққиёт ҳамда бунёдкорликка қаршчи ғояларини жамоатчиликка етказиш каби муҳим вазифалар қўйилди.

Имом Мотуридий номи билан аталган халқаро илмий марказ фаолияти йўлга қўйилиши жаҳон ҳамжамияти, хусусан, шу соҳада фаолият юритаётган олим ва мутахассислар томонидан узоқ кутилган янгилик сифатида қабул қилинди. Жумладан, Босния собиқ муфтийиси Мустафо Черич ушбу ташаббусни юқори баҳолаб, “**Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш ташаббусини биз янаб турган асрдаги энг улуғвор иш деб ҳисоблайман**”, дея таъкидлади. Хорижлик етуқ мотуридийшунос олим, профессор, доктор Саид Фудҳа ҳам марказ ташкил этилишиға алоҳида эътибор қаратиб, Абу Мансур Мотуридийнинг бебаҳо илмий-маънавий меросини тиклашға давлат томонидан катта эътибор қаратилаётгани таҳсинға сазовор эканиға уруғ берди. Туркиянинг

Анкара университети профессори, доктор Сўнмез Қўтлу эса марказни дунё бўйича ўз йўналишида очилган илк илмий муассаса сифатида эътироф этди.

Таълимот ва тадқиқотлар

Марказда ташкил қилинган мотуридийлик таълимоти тадқиқотлари, замонавий ислом тадқиқотлари, таржималар ҳамда нашрлар деб номланган бўлимларда юртимиз алломалари, хусусан, Имом Мотуридий ва издошлари меросини ўрганиш ҳамда кенг тарғиб қилиш, асарларининг илмий-изоҳли таржималарини яратиш, аҳолиға мўътадил таълимотни етказишға қаратилган халқчил рисоаларни нашр қилиш, мутаассибликка қарши курашнинг илгор жаҳон таърибасини ўрганиш, нуфузли халқаро ташкилотлар ва атоқли олимларнинг терроризм қоралаб чиқарилган фатволарини таҳлил ва таржима қилиш, ихтилофли ақдавий масалалар ечими юзасидан тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш, ёш авлодни ёт ғоялардан асраб-авайлаш қораларини қўриш бўйича тизимли ишлар амалға оширилмоқда.

Шунингдек, ушбу ишлар маҳаллий ҳамда халқаро кўламда кенг эътироф этилаётгани эътиборға молик. Жумладан, Туркия Диянат ишлари бошқармаси раҳбари, доктор Али Эрбашнинг “Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказининг маърифат ва маданиятимиз негизлари бўлган фикрлар ва асарларни қайтадан бутун дунёға танитиш борасидаги ишларини юксак баҳолайман”, деган эътирофини келтириб ўттиш кифоя.

“Жаҳолатға қарши маърифат” ғояси остида марказ томонидан жойларда ижтимоий муҳитни соғломлаштириш юзасидан маънавий-маърифий тадбирлар ҳам мунтазам ташкил этилмоқда. Ҳозирги вақтға қадар маҳалла, мактаб, ўрта махсус ҳамда олий таълим муассасаларида, шунингдек, турли давлат идора ва ташкилотларида 300 дан зиёд тадбир ўтказилиб, жами 50 минг нафарға яқин юртдошимизға ислом динининг асл моҳияти ҳамда исломға ёт оқимларнинг бузғунчи фаолияти ҳақида маълумот берилди. Шу билан бирға, марказда мутаассиб оқимлар таъсирига тушиб қолган фуқаролар билан ишлаш, мотуридийлик ақдавий мазаҳбида кенг ўрин берилган мўътадил таълимот асосида уларни тўғри йўлга бошлаш бўйича ҳам тизимли ишлар йўлга қўйилган. Бунда экстремизм ва радикализмға қарши курашиш ҳамда мутаассиб шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш бўйича жаҳоннинг илгор мамлакатларида қўлланилаётган замонавий услублардан кенг фойдаланиш орқали самарали натижаларға эришиб келинмоқда.

Тарғибот, ташвиқот, илгор тажриба ва инновацион ёндашувлар

Республика бўйлаб мактаб ва маҳаллаларда мунтазам ўтказиб келинаётган маънавий-маърифий тадбирлар, дарава суъбатлари натижасида ёшлар онгида исломнинг тинчликпарвар ва маърифатпарвар дин экани ҳақидаги тўғри тушунарларни шакллантиришға эришилди. Эътиборлиси, мотуридийлик таълимоти манбалари асосида тайёрланган халқчил рисоалар, интернет ҳамда ижтимоий тармоқлар орқали кенг тарғиб қилинаётган аудио, видео ва инфографика шаклидаги материаллар, марказий телеканаллар орқали эфирға узатилаётган кўрсатувлар, газета ва журналларда чоп этилаётган мақолалар, турли танловлар, нашрларнинг аудио талқинлари аҳолини тўғри йўлга бошлаш, хусусан, ёшларни мутаассиб оқимларнинг бузғунчи ғояларидан асраб-авайлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Жойларда ўтказилган тадбирлар халқимиз орасида ислом таълимотини кенг тарғиб қилишға, шу асосда

жамиятда бағрикенглик тамойиллари янада мустаҳкамланишиға хизмат қилмоқда.

Ҳозирги вақтда марказ ICESCO, Ислом тарихи, санъати ва маданиятини тадқиқ қилиш ташкилоти (IRCICA), Мисрнинг ал-Азҳар университети, Ислом тадқиқотлари академияси, Туркиянинг Анкара, Йилдирим Боязид университети, Қўлэмалар маркази, Малайзиянинг Ислом тадқиқотлари маркази, Ислом илмлари университети, Ислом тафаккури институти, Буюк Британиянинг Оксфорд ислом тадқиқотлари маркази каби нуфузли университет ва илмий-тадқиқот муассасалари билан англашув меморандумларини имзолаб, ҳамкорликда қўшма илмий лойиҳаларни амалға ошириб келмоқда. Бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистонда диний-маърифий соҳадаги кенг кўламли ислохотлар ҳамда ижобий ўзгаришларни дунё афқор оммасиға етказишға хизмат қилмоқда.

Марказ ҳузурида хорижлик ҳамда маҳаллий олим ва мутахассислардан иборат халқаро илмий хайъат ташкил этилганини нафақат юртимиз, балки жаҳон мотуридийшунослиғидаги энг муҳим воқеликлардан бири сифатида баҳолаш мумкин. Бугунги кунда хайъат маҳжлислари мунтазам ўтказилиб, дунёнинг энг илгор таъриба ва инновацион ёндашувларини марказ фаолиятида қўлаш, соҳаға оид долзарб масалаларнинг илмий ечимини топиш, улар юзасидан амалий тақлиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш, хайъат аъзоларининг мутаассибликка қарши қаратилган муурожаатнома ва баёнотлари эълон қилинмоқда. Хайъат таркибида Миср, Туркия, Иордания, Босния ва Герцеговина, Германия, Россия, Малайзия, Афғонистон ва Қирғизистон каби мамлакатларнинг етуқ олимлари ҳамда юртимизнинг кўзға қўринган мотуридийшунос мутахассислари жамланган.

Марказнинг асосий ютуқларидан бири, шубҳасиз, Имом Мотуридий қаламиға мансуб “Таъвилот ал-Қуръон” (Қуръон таъвиллари) ҳамда “Китоб ат-тавҳид” (Тавҳид ҳақида китоб) асарларининг ўзбек тилидаги илмий-изоҳли таржимаси бўлди. Ушбу таржималар халқимиз орасида ислом таълимоти ҳақидаги ҳолис тушунарлар шаклланишида, ёт ғояларнинг асоссизлигини англаб етишда, исломнинг мўътадил ва маърифатпарвар дин эканини етказишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳозирға қадар “Китоб ат-тавҳид” асарини тўлиқ, “Таъвилот ал-Қуръон” асарининг 29-жузи, 27-28-жузи ва 25-26-жузи таржимаси нашр қилиниб, халқимизға етказилди. Шу билан бирға, ушбу китобларни халқимизға содда ва тушунарли услубда етказиш мақсадида “Таъвилотдан дурдоналар” руқни остида халқчил рисоалар ҳам чоп этилмоқда.

Мотуридий издошлари

Имом Мотуридийнинг издошлари бўлган Абу Муин Насафий, Абу Баракот Насафий, Абу Ҳафс Насафий, Сирожиддин Ўшӣи, Абу Шакур Салимий, Алоуддин Самарқандий, Абу Лайс Самарқандий, Саъдулдин Тафтазоний каби алломаларнинг асарлари ҳам улкан тарбиявий-ахлоқий аҳамиятға эга. Шу нуктаи назардан, ёшларни бузғунчи ғоялардан асраб-авайлаш, уларни миллий ва диний қадриятларимиз руҳида тарбиялаш мақсадида “Умдат ал-ақоид” (Ақоид устуни), “Китоб ас-савод ал-аъзам” (Катта жамоа китоби), “Баъд ал-амолий” (Имлоларнинг бошланиши), “Ақида ат-Таховия” (Таховий ақидаси), “Усул ад-дин” (Дин асослари), “Жавоҳир ал-каломия” (Калом жавоҳирлари) каби ақдавий рисоалар ҳам ўзбек тилида нашр этилди. Ушбу манбалар мотуридийлик таълимотини халқимизға етказишда муҳим қўлланма ҳисобланади. Ушбу таржималарда юртимиз ҳамда жаҳон кутубхоналарида сақланаётган қўлэзма

манбалардан фойдаланилгани, замонавий босма нашрлар билан қиёсий ўрганилгани уларнинг юксак илмий савияда тайёрланишини таъминлаган.

Юртимизда аждодларимизнинг илмий меросини ўрганиш, шу асосда ёш авлодни миллий ва диний қадриятларимизға хурмат руҳида тарбиялашға алоҳида эътибор қаратилаётганидан келиб чиқиб, “Буюк аждодларимиз”, “Мовароуннаҳрлик ўн муфассир”, “Мовароуннаҳрлик ўн муҳаддис”, “Мовароуннаҳрлик ўн мутакаллим”, “Мовароуннаҳрлик ўн фақиҳ”, “Мовароуннаҳрлик ўн мутаассиб” каби халқчил рисоалар нашр қилинди. Уларнинг чоп этилиши кенг жамоатчилик, хусусан, ёшларни буюк алломаларимизнинг бой илмий-маънавий мероси билан яқиндан таништириш имконини беради. Бу эса, ўз навбатида, уларда инсоният цивилизацияси ривожига муносиб ўрниға эга бўлган улкан моддий-маънавий меросға дахлдорлик ҳиссини уйғотишға, шу асосда ватанпарварлик туйғуларининг янада мустаҳкамланишиға замин яратди.

Марказда исломшуносликка оид замонавий масалалар устида тизимли изланишлар олиб бориш ҳам яхши йўлга қўйилган бўлиб, ҳозирға қадар жамиятда диний бағрикенглик муҳитини таъминлаш ҳамда мўътадил таълимотни кенг тарғиб қилишға қаратилган “Долзарб раддиялар”, “Мутаассибликка қарши мўътадиллик: метод ва таҳлиллар”, “Ислом ниқобидаги мутаассиб гуруҳлар” каби адабиёт ва қўлланмалар нашрга тайёрланиб, кенг жамоатчиликка тақдим этилди. Мунтазам чоп этиб келинаётган “Мотуридийлик” журнали саҳифаларида эълон қилинаётган маҳаллий ҳамда хорижлик мутахассисларнинг илмий мақолалари ҳам исломшунослиқда бугунги кун учун долзарб саналган муаммоларнинг илмий-назарий ечимларини ҳал қилишда асқатмоқда. Қўлга қиритилган илмий натижалар эса халқаро кўламдаги илмий-амалий анжуманлар, дарава суъбатлари, маҳаллий ҳамда хорижий нуфузли нашрлардаги илмий мақолалар, марказ расмий веб-сайти ҳамда ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларига видеодарслар, инфографик материаллар шаклида жойлаштирилаёттир. Маҳаллий ҳамда хорижий мамлакатлар телеканалларида Имом Мотуридий ва мотуридийлик таълимоти, марказ фаолиятиға бағишланган кўрсатувлар, ҳужжатли фильмлар, интервьюлар, газета ва интернет сайтларида эълон қилиб борилаётган мақолалар Янги Ўзбекистондаги ислохотларни, аждодларимизнинг маърифатға йўғрилган илмий меросини кенг тарғиб этишға хизмат қилмоқда.

Мустаҳкам илмий асос

Бугунги кунда Янги Ўзбекистондаги диний-маърифий йўналишдаги кенг кўламли ислохотлар, инсон ҳуқуқ ва эркинларини таъминлаш, хусусан, унинг қадрини юксалтиришға хизмат қилмоқда. Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази ташкил этилишини ҳам бевосита мақкур ислохотлар самараси сифатида баҳолаш мумкин. Марказ яратилган имконият ва қулай шарт-шароитлардан фойдаланган ҳолда, Имом Мотуридий ва мотуридийлик таълимотини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш йўлида дадил оқимламоқда. Бу жамиятимиз равнақи, ҳамюртларимизнинг онг ва дунёқарашини юксалтириш, ёшларда турли оқимларнинг ғоя ва мафкураларига қарши кучли иммунитет ҳосил қилиш ва ижтимоий барқарорлиқни мустаҳкамлашда алоҳида аҳамиятға эга. Негаки, исломни никоҳ қилган, айниқса, ёшларни ўз домиға тортаётган бундай ёт қучларға қарши туришда, илмий асосда раддиялар беришда айнан Имом Мотуридийнинг мероси барча мусулмонлар учун мустаҳкам илмий асос, ишончли дастуруламал бўлиб хизмат қилади.

Таъкидлаш керакики, меҳнаткаш ва фидойи халқимиз учун азалдан эзгулик, хайру соҳават, мурувват, маънавий-руҳий покланиш ойи бўлиб келган Рамазон ойида муқаддас динимиз, хусусан, мотуридийлик таълимотида кенг ёритилган, инсонпарварлик ва тинчликпарварлик каби қадриятларни асраб-авайлаш, доимо тўғри йўлда, ўзаро меҳр-муҳаббат билан муносабатда бўлиш ҳақидаги кўрсатмаларға амал қилиш ҳар қачонгидан ҳам долзарбдир. Бу эса мотуридийлик таълимотини ўрганиш ва уни кенг тарғиб қилиш орқали юзаға чиқади. Шу сабабли ушбу мўътадил таълимот бугунги кун нуктаи назаридан ёшларни миллий ва диний қадриятларимизға ҳурмат ҳамда ёт ғояларға муросасизлик руҳида тарбиялашда кучли тарбиявий-ахлоқий манба бўлиб қолади.